20____ A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 35 (35), 2020 йил 12 март, пайшанба

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 март куни мамлакатимизда жамоат саломатлигини таъминлаш тизими самарадорлигини ошириш муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил январь ойида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида аҳоли саломатлигини яхшилаш бўйича устувор вазифалар белгиланган эди.

Бугунги йиғилишда таъкидланганидек, юртимиз соғлиқни сақлаш тизимида касалликларнинг олдини олишдан кўра, уларни даволашга кўпроқ эътибор қаратилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таҳлилига кўра, инсон саломатлигига таъсир этувчи омиллар орасида тиббий таъминот 10 фоизни, ирсий омиллар 15 фоизни, атроф-муҳитнинг ҳолати 20 фоизни ташкил этади. Энг муҳими, инсоннинг турмуш тарзи (жисмоний фаоллик, овқатланиш, зарарли одатлар) унинг саломатлигига 55 фоизгача таъсир кўрсатар экан.

Шу сабабдан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ҳамда Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекциясига илғор хорижий тажриба асосида аҳоли саломатлигини яхшилаш, одамларимизни соғлом турмуш тарзига ўргатишнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Аҳоли саломатлиги профилактикаси аввало қишлоқлардан бошланиши ва бунга жавоб берадиган яхлит тизим бўлиши кераклиги қайд этилди. Масалан, сувнинг ифлосланиши буйрак, ошқозон-ичак хасталикларига, атмосферадаги радиация, озиқ-овқат маҳсулотларида кимёвий воситаларнинг кўплиги онкологик, нотўғри турмуш тарзи қон-томир, юрак, эндокрин, асаб касалликларга сабаб бўлмоқда.

Бу масалаларни чуқур таҳлил қилиб, аниқ дастурлар асосида жойларда манзилли иш ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Ҳозирда жаҳон бўйлаб коронавирус инфекциясининг (COVID-19) тарқалиши юртимиз аҳолисини ҳам маълум маънода хавотирга солмоқда. Дунёда жамоат саломатлиги тизимини, гўёки, синовдан ўтказаётган ушбу хасталикнинг Ўзбекистонга кириб келмаслигини таъминлаш, аввало, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими, профилактика ишларини янада юқори даражага кўтаришни тақозо этади, деди давлатимиз раҳбари.

Шу муносабат билан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигига бу борада кўрилаётган карантин ва профилактика чоралари бўйича қўшимча топшириқлар берилди.

Бунда, энг аввало, халқаро тажриба асосида Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигига Аҳоли соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш марказини бириктириб, Агентлик салоҳиятини ушбу вазифаларни самарали ташкил этишга қаратиш кераклиги таъкидланди.

Агентликнинг вилоятлар ҳамда туман ва шаҳарларда алоҳида марказлари ташкил этилади. Қишлоқ поликлиникаларида бу ишларни самарали йўлга қўйиш учун учтагача мутахассислар ажратилади. Улар қишлоқ аҳолиси ўртасида тўғри овқатланиш, гигиенага риоя қилишни тарғиб этади, онкологик, юрак қон-томир касалликларига мойил бўлганларни барвақт аниқлаш билан шуғулланади.

Қишлоқ врачлик пунктлари аҳолини юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар бўйича мақсадли тиббий кўрик ва сўровдан ўтказишни ташкил этиши зарурлиги айтиб ўтилди. Масалан, 40 ёшдан ўтганда инфаркт, инсульт, диабетга, 35 ёшдан ошган аёлларда эса саратонга мойиллик пайдо бўлади.

Шунингдек, Агентлик ходимлари ҳар бир хонадон, таълим муассасалари ва ташкилотларга бориб, аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш, дам олиш, жисмоний тарбия билан шуғулланиш ишларини ташкиллаштиради.

Президентимиз ушбу соҳада фанни ривожлантириш, илмий-тадқиқот муассасаларини қўллаб-қувватлаш борасида мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Мазкур муассасалар ҳудудлардаги касаллик омиллари ва сабабларини таҳлил қилиб, уларнинг ҳар бири бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши, Агентлик ҳар бир ҳудуд бўйича дастурлар қабул қилиши ва ҳокимликлар билан ижросини ташкил этиши лозимлиги таъкидланди.

Шу билан бир қаторда, илмий-тадқиқот муассасаларининг ҳозирги аҳволи бу ишларни ташкил этишга тайёр эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Овқатланиш, меҳнат, ўсмирлар гигиенаси билан шуғулланадиган, санитар меъёр ва қоидаларни ишлаб чиқувчи илмий-тадқиқот институтида атиги 13,5 та штат мавжуд.

Шунингдек, ёш болалар ўртасида паразитар, рахит ва дистрофия касалликлари хавфи катта бўлса-да, уларни олдини олиш ва даволашнинг самарали тизими йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, ушбу хасталиклар болаларнинг иммун тизимини ишдан чиқариб, бошқа дардларга мойиллигини кучайтиради.

Шу сабабли, Самарқанддаги Тиббий паразитология илмий-тадқиқот институти клиникаси Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти билан бириктирилади. Улар негизида Эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар республика илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилиб, даволаш жараёни илм билан бирга амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари яна бир муҳим масалага эътибор қаратди — хасталик омилларини таҳлил қилиб, даволовчи шифокорларга профилактика йўналишида асосланган тавсия берадиган мутахассисларни тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

Н.И.Пирогов номидаги Россия тиббиёт илмий-тадқиқот университети ҳамда Туркиянинг Бахчешеҳир университети филиал ва клиникаларини очиш ишларини жадаллаштириш кераклиги қайд этилди.

Йиғилишда юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни барвақт аниқлаш, ҳисобини юритиш, таҳлил ва статистикасини тўғри йўлга қўйиш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Масалан, 2018 йилда 24 мингтага яқин аниқланган хавфли ўсма касалликларининг 55 фоизи 3 ва 4-босқичда аниқланган. Бу ҳар иккинчи беморнинг даволанишига умид йўқлигини англатади.

Шу муносабат билан, касалликларнинг олдини олишда содда, лекин замонавий ва самарали услубларни қўллаш, уларни жорий этиш кўламларини кенгайтириш лозимлиги айтиб ўтилди.

Мисол учун, оддийгина вазн, бўй, бел айланаси, қон босимини ўлчаб, турмуш тарзини сўраб-суриштириб, инсонда инфаркт, инсульт, диабет, гипертония каби кўплаб касалликларни барвақт аниқлаш мумкин.

Йиғилишда аҳоли саломатлигини назорат қилиш тизимини ҳам қайта кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизими яратилмаган, дейишга асослар етарли. Мисол учун, уларнинг таркибида техник пальма мойининг ишлатилиши қатъиян тақиқланган, лекин буни аниқлайдиган механизмлар йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, ушбу маҳсулот инсон организми учун ғоят зарарли бўлиб, ҳаётий муҳим органларни ишдан чиқариши билан бирга онкологик касалликларга сабаб бўлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбарлар ҳисобот берди, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

«ОЛИЙ ДАРАЖАЛИ ДЎСТЛИК» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 30 сентябрда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда
маъқулланган

1-модда. "Олий Даражали Дўстлик" ордени таъсис этилсин.

2-модда. "Олий Даражали Дўстлик" ордени тўғрисидаги низом тасдиқлансин (илова қилинади).

3-модда. "Олий Даражали Дўстлик" орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган **"Давлат мукофотлари тўғрисида"**ги 176-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-473-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 221-модда; 2019 йил, № 9, 589-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

"Ўзбекистон Республикасининг орденлари таркибига "Олий Даражали Дўстлик" ордени ҳам киради";

2) **15-модда** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

"Олий Даражали Дўстлик" ордени кўкракнинг ўнг томонига ёки орден занжирида тақилади";

саккизинчи – **ўн тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўққизинчи – ўн бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

ўн иккинчи қисми қуйидаги таҳририда баён этилсин:

"Планкалардаги ленталарни тақиб юриш қоидалари олий мукофот белгиси — "Олтин Юлдуз" медалига, "Мустақиллик", "Амир Темур", "Жалолиддин Мангуберди", "Олий Даражали Дўстлик" орденларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларига доир кўкрак нишонларига нисбатан қўлланилмайди".

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 11 март

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 11 мартдаги ЎРҚ-609-сонли Қонуни билан
ТАСДИҚЛАНГАН

«Олий Даражали Дўстлик» ордени тўғрисида НИЗОМ

1. «Олий Даражали Дўстлик» ордени билан Ўзбекистон Республикаси халқининг чексиз ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро дўстлик, ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини барқарор ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни ҳал этишда юксак сиёсий ирода намоён этган, фаол ташаббусларни илгари сурган ва кўп қиррали ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга янгича руҳ, чуқур ва амалий мазмун бағишлаган ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдидаги алоҳида эътироф этилган юксак хизматлари учун:

хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари;

хорижий мамлакатлар парламентлари вакиллари;

халқаро ташкилотлар, дипломатик ваколатхоналар, консуллик муассасалари ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакиллари;

атоқли давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, таълим ва тарбия, соғлиқни сақлаш, маънавият, маданият ва спорт соҳаларининг кўзга кўринган улкан намояндалари, инсонпарварлик руҳидаги эзгу ишлари билан ном қозонган меценатлар, бизнес ҳамжамиятининг таниқли вакиллари мукофотланади.

2. «Олий Даражали Дўстлик» ордени билан:

Ўзбекистон Республикаси билан чет давлатлари ўртасида ҳар томонлама манфаатли шериклик муносабатларини ривожлантириш, ўзаро ҳурмат ва ишончни кучайтиришдаги шахсий ҳиссаси;

хорижий мамлакатларнинг халқлари билан дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш борасида кўрсатган алоҳида хизматлари;

умуминсоний ва миллий маънавий қадриятларни, тарихий меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, турли халқлар маданияти ва санъатини янада бойитишдаги фаол иштироки;

ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш, йирик ижтимоий-иқтисодий ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, инновацион ғоя ва технологияларни яратиш ҳамда турли соҳаларга татбиқ этишда эришган салмоқли натижалари;

илм-фан ва маърифат, маданият, санъат ва адабиёт, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларини, шунингдек, инсон капиталини ривожлантириш борасидаги катта ютуқлари;

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ва болаларни қўллаб-қувватлаш, оила институтини мустаҳкамлашдаги кўп йиллик ва фидокорона меҳнати;

кучли ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатимизни демократик янгилашдаги роли ва аҳамиятини ошириш, жамият ва давлат ўртасидаги тизимли ва самарали мулоқотни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари;

экологик муаммоларни ҳал этиш, сайёрамиз ва мамлакатимизда қулай атроф-муҳитни таъминлаш, инсон генофондини сақлаш, биохилма-хиллик ва табиий бойликларни асраб-авайлаш, ҳозирги ва келгуси авлоднинг экологик хавфсизлиги ҳақида ғамхўрлик қилишга қаратилган кўп йиллик самарали фаолияти;

халқаро миқёсдаги улкан жамоатчилик, гуманитар ва хайрия фаолияти учун мукофотланади.

3. «Олий Даражали Дўстлик» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тақдирланиши мумкин. Бунда «Олий Даражали Дўстлик» ордени чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун Ўзбекистон Республикасининг олий давлат мукофоти ҳисобланади.

4. «Олий Даражали Дўстлик» ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан амалга оширилади. Орден билан мукофотлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

5. «Олий Даражали Дўстлик» орденини ва мукофотлаш тўғрисидаги тегишли ҳужжатни топшириш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёки унинг топшириғига биноан бошқа мутасадди раҳбарлар томонидан тантанали вазиятда амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентини «Олий Даражали Дўстлик» ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ташаббуси билан амалга оширилади.

7. «Олий Даражали Дўстлик» ордени билан мукофотланган шахслар базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз баравари миқдоридаги бир марталик пул мукофоти ёки эсдалик совғаларини оладилар, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.

8. «Олий Даражали Дўстлик» ордени тегишли кетма-кетликка риоя этган ҳолда кўкракнинг ўнг томонига ёки орден занжирида тақиб юрилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 11 мартдаги ЎРҚ-609-сонли Қонуни билан
ТАСДИҚЛАНГАН

«Олий Даражали Дўстлик» орденининг ТАВСИФИ

Олд томони

Орқа томони

«Олий Даражали Дўстлик» ордени 1 микрон қалинликдаги 999 пробали олтин билан қопланган 110 грамм оғирликдаги 916 пробали кумушдан тайёрланади ва тўртта қопламали медальондан иборат бўлади.

Биринчи ва иккинчи медальонлар ўзаро уйғунликда қўёш тимсолидаги ўн олти қиррали юлдузни ифодалайди.

Диаметри 63,4 миллиметрли оксидланган кумушдан тайёрланган биринчи саккиз қиррали юлдуз қирраларининг ҳар бири учта нурдан ташкил топган.

Диаметри 70 миллиметрли иккинчи саккиз қиррали юлдуз оч хира кумушдан тайёрланган ва зарҳал ҳошияли қаваріқ нурлардан иборат. Нурларнинг устки қисмига узунлиги 7,8 миллиметрли зарҳалланган шаклдор барглар ётқизилган.

Учинчи медальон диаметри 42,1 миллиметрли, зарҳалланган, икки қиррали нурларга эга бўлган саккиз қиррали юлдузни ифодалайди ҳамда унинг устки қисмига сирланган кумушдан ва нақшли тошлардан тайёрланган диаметри 39,5 миллиметрли тўрт қиррали нурларга эга бўлган саккиз қиррали юлдуз жойлаштирилган.

Орденнинг марказида жойлашган тўртинчи медальон диаметри 24,6 миллиметрли, кўк рангли эмаль билан қопланган, зарҳалланган айлана билан ўралган ва пастки четлари 2,4 миллиметр ўлчамдаги 0,96 каратли 6 та бриллиант билан нақшланган доирани ифодалайди. Медальоннинг юқори қисмида зарҳалланган «OLIY DARAJALI DO'STLIK» ёзуви туширилган. Ҳарфларнинг баландлиги 2,3 миллиметр.

Медальон марказида диаметри 17,2 миллиметрли зарҳал доира ичида тинчлик ва дўстлик рамзи бўлган очиқ кафтлар ҳамда тумшуғида зайтун новдасини тутиб турган кабутарнинг зарҳалланган қаваріқ тасвири ифодаланган.

Орден иккита маҳкамлагичга эга:

1) гайкага бураб қотириладиган бурама маҳкамлагич;

2) орден занжирига мустаҳкамланадиган ечиладиган қисқич.

Орденнинг орқа томонига 2 миллиметрли ўлчамдаги ботиқ шрифт билан мукофот рақами туширилади.

Узунлиги 700 миллиметрли орден занжири 916 пробали, оғирлиги 170 грамм бўлган, 1 микрон қалинликдаги 999 пробали олтин билан қопланган кумушдан тайёрланади. Занжир йирик ва майда ҳалқаларга бўлинади. Диаметри 45 миллиметр бўлган йирик ҳалқалар орденнинг марказий медальони тасвирини ифодалайди, кичик ҳалқалар 18 миллиметрли саккиз қиррали юлдузлардан иборат. Занжир 22 та ҳалқалар, шу жумладан илгакдан иборат.

Орден занжирининг марказий ҳалқаси кўк рангдаги эмаль билан қопланган доирага туширилган иккита ўзаро боғлиқ саккизбурчакни ташкил қилади. Кўтарилаётган қўёш фонида Ҳумо қуши тасвирланган.

Дон етиштирувчи хўжаликларни сифатли уруғлик билан таъминлаш мақсадида сертификатланган уруғлик етказиб бериш тизими сақлаб қолинмоқда. 2021–2023 йилларда уруғлик етказиб бериш босқичма-босқич Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги уруғчилик кластерлари ва элита уруғчилик хўжаликлари, ғаллачилик кластерлари зиммасига юклатилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 12 март, 35-сон

МУНОСАБАТ

МУРОЖААТНОМА:
ПАРТИЯВИЙ МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК

Бахтиёр ЁҚУБОВ,
тарих фанлари номзоди,
сиёсатшунос.

Дунё мамлакатлари тажрибасида кенг ва самарали ишлатилиб келинаётган Президентнинг мамлакат парламентига Мурожаатномаси институти Ўзбекистонда амалиётга татбиқ этилганига кўп бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа вақт ичида мамлакат сиёсий ҳаётида муносиб ўринни эгаллади.

Президентимизнинг парламентга навбатдаги Мурожаатномасидаги ҳар бир йўналиш ўз мантиқий асосларига эга. Унда жамият ҳаётига дахлдор муҳим масалалар юзасидан мавжуд вазиятга объектив баҳо берилган. Ҳар бир соҳадаги муаммоларни ҳал этиш ҳамда тинчлик ва осойишталик, барқарор ривожланиш, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи устувор вазифаларни амалга ошириш йўллари, ғоявий асослари очиб берилган.

Партиявий нуқтаи назардан келиб чиқиб, биз учун Мурожаатномадаги асосий ғоя — Янги Ўзбекистонни буюк тарих, давлат ва маданият яратган, меҳнаткаш, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли, буюк халқимиз билан биргаликда барпо этиш эканлигини таъкидлаш даркор. Бунда "Жамият — ислоҳотлар ташаббускори" деган янги ғоя барча партиявий фаолиятимизнинг негизида туради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжат моҳиятан давлат раҳбарининг "халқ вакиллари" орқали бевосита халққа мурожаати, келгусидаги режалари хусусида ҳам халқ билан маслаҳатлашув олиб боришининг ўзига хос шакли ҳисобланади. Мурожаатнома орқали давлат раҳбари ютуқлар ва камчиликлар хусусида халқ билан фикрлашади, юрт, миллат олдида турган муҳим масалаларни белгилаб олиш ва ҳал қилишда барчани бирлаштиради.

Мурожаатномада илгари сурилган ҳар бир ғоя халқнинг доимий эътиборида, назоратида турган масалаларнинг ижросига жиддий масъулият билан ёндашишни талаб этади. Бир пайтнинг ўзида уларнинг амалга оширилиши борасида сиёсий, иқтисодий институтларнинг жавобгарлигини беқиёс даражада оширади.

Ушбу тузилмалар орасида сиёсий партияларнинг алоҳида ўрни бор. Бу уларнинг бир томондан фуқаролик жамияти институти сифатида фаолият юритиши, бошқа томондан — давлат ҳокимияти фаолиятида вакиллик ва ижро ҳокимияти органларидаги ўз вакиллари орқали иштирок этиши билан белгиланади. Яъни сиёсий партиялар фуқаролик жамияти ва давлат органлари ўртасидаги ўзига хос кўприк десак муболаға бўлмайди.

Шу маънода 2017 йилнинг 22 декабридаги илк Мурожаатномадаёқ "барча соҳаларда вазиятни ҳар томонлама ўрганиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун таъсирчан чоралар ишлаб чиқишда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш" масалаларига алоҳида эътибор қаратилганди. Президентимиз томонидан ушбу масалага тизимли равишда эътибор берилаётгани мамлакат раҳбарининг бошқа чиқишлари, қолаверса **"Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури"** каби муҳим ҳужжатларда ўз аксини топганлигида ҳам яна бир бор ўз исботини топади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг партиявий тизим ривожи масаласига алоҳида эътибор бераётгани бежиз эмас. У давлат раҳбари сифатида иш бошлаганидан буён ўз сиёсий фаолиятида аҳоли муаммоларини яқиндан ўрганиш ва тезда ҳал қилиш борасида самарали чораларни кўришга устуворлик бериб келмоқда. "Одамларни рози қилиш" давлат бошқарувининг асосий принципларидан бирига айланди. Бу сиёсий партиялар учун ҳам устувор вазифалардан бирига айланиши, улар мазкур жараённинг фаол иштирокчиси бўлиши лозимлигини англатади.

Давлатимиз раҳбари парламентга илк Мурожаатномасидаёқ ўртага ташланган ушбу тезисда бугунги кунда сиёсий партиялар кўрсатилган йўналишда кутилган даражада ишлаши учун икки жиҳат етишмаётгани таъкидланган:

— мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг асосий йўналишларидаги мавжуд вазиятни объектив ўрганиш, аниқроғи, таҳлил тизимининг етарли эмаслиги;

— аниқланган муаммоли вазиятларга таъсир қилиш механизмлари, бу борада таъсирчан чораларнинг мавжуд эмаслиги ҳамда ушбу йўналишларга алоҳида урғу берилиши лозимлиги эътироф этилган.

Президент Мурожаатномасида сиёсий партиялар фаолиятидаги камчиликларнинг айнан шу тарзда белгиланиши бугун уларнинг фаолиятидан одамларнинг норозилигини келтириб чиқараётган омилларни ҳам ўзида акс эттирган. Ижтимоий тармоқларда ҳам сиёсий партиялар фаолияти оддий фуқаролар муаммоларидан узоқлиги билан асосланган ҳолда танқид қилинаётир. Демак, Мурожаатномада илгари сурилган вазифаларнинг бажарилиши нафақат сиёсий партияларнинг бугун юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардаги ўрнини янада мустаҳкамлашга, балки уларга нисбатан фуқароларнинг ишончи ортишига ҳам хизмат қилган бўлар эди.

O'zLiDeP мисолида ушбу камчиликларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганини айтиб ўтиш мумкин. Хусусан, партия марказий аппаратида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларнинг мутахассисларидан иборат доимий асосда ишловчи Экспертлар гуруҳи ташкил этилгани, қолаверса, партия фаолларини ўқитиш ва муҳим ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий масалалар борасида таҳлилий ишларни амалга оширадиган Сиёсий таълим ва таҳлил маркази фаолияти йўлга қўйилгани муҳим қадамлардан бўлди.

Европа давлатлари сиёсий партиялари фаолиятидан ҳам яхши маълумки, партия қошида тузилган турли фондлар ва марказлар таҳлилий маълумотлар билан таъминлаш, кадрларни ўқитиш билан шуғулланади. Бу O'zLiDePнинг Президент Мурожаатномасидаги вазифаларни амалга ошириш борасида танлаган йўли дунёнинг етакчи давлатлари илғор тажрибаларига ҳам мос келишини кўрсатади. Лекин айтиб ўтиш керакки, бундай ҳаракатлар партия томонидан ташланган дастлабки қадамлар бўлиб, ҳали бу борада амалга оширилиши лозим бўлган тизимли ишлар кўлами катта.

Мурожаатномада илгари сурилган мамлакатда кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришга дахлдор масалалардан яна бири қуйидаги тезисда ўз ифодасини топди: **"Партиялараро рақобатни таъминлаш, барча сиёсий субъектлар учун тенг шароитлар яратиш парламент ролини кучайтиришнинг муҳим шарти ҳисобланади".** Албатта, ўтган йиллар давомида партиялараро рақобатнинг сустлиги фуқаролар томонидан ушбу сиёсий институтга нисбатан ишончнинг паст даражада сақланиб қолишига сабаб бўлаётган, мамлакатда реал кўппартиявийлик муҳитининг қарор топишига салбий таъсир кўрсатиб келаётган омиллардан эди. Ҳар қандай демократиянинг, энг аввало, фикрлар хилма-хиллигига, кўппартиявийлик тамойилларига таяниши яхши маълум. Фикрлар хилма-хиллиги ва кўппартиявийлик эса айнан улар ўртасидаги рақобат, ўзаро тортишувлар муҳитидагина вужудга келади ва ривожланади.

2019 йилги парламент сайловлари даврида жамиятда кузатилган партиялараро тортишувларнинг даражаси бугун Ўзбекистондаги мавжуд партиялар рақобат муҳитида фаолият олиб бориш учун етарли мафкуравий ва ташкилий асосларга эга эканини кўрсатди.

Мурожаатномада бўлиб ўтган сайлов якунлари асосида сиёсий партиялар фаолиятида кузатилган айрим камчиликларга эътибор берилганини ҳам эслаш лозим. Унда **"...сиёсий партияларнинг ўз электорати билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, партияларнинг сиёсий фаоллигини ошириш олдимизда турган муҳим масалалардан биридир"**, деган фикрга урғу берилгани бежиз эмас.

Айнан сайловлар жараёнида, яъни аҳолининг сиёсий партиялар фаолиятига эътибори бирмунча кучайган бир паллада уларнинг ўз электорати билан ишларни қанчалик тизимли равишда йўлга қўя олгани яққол кўзга ташланади. Партиялар ўзининг ижтимоий базаси деб ҳисоблаган аҳоли қатламлари орзу-интилишларидан бир қадар узоқлашиб қолгани, илгари сураётган ғояларида ўз электорати муаммоларини аниқроқ акс эттиришдан кўра, кўпроқ умумий характердаги режаларга урғу бериб юбораётгани кузатилди.

Мавжуд вазиятни ўнглаш борасида ўз вақтида тегишли ҳаракатларнинг амалга оширилмаслиги партияларнинг аҳоли қатламларига таъсири сусайишига, демакки, ислоҳотлар жараёнидаги ўрнининг тушиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Мурожаатномада мамлакат раҳбарининг "... **бутун Ўзбекистон халқига мурожаат қилиб айтмоқчиман: демократик ислоҳотлар йўли — биз учун яккаю ягона ва энг тўғри йўлдир"**, деган чақириғига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Президент томонидан демократик ислоҳотлар йўлининг ягона ва энг тўғри йўл сифатида эълон қилиниши мамлакатда кўппартиявийлик тизимининг янада ривож топиб боришини стратегик вазифалар қаторига олиб чиқади.

Бу, ўз навбатида, сиёсий партияларнинг жамиятда аҳолининг турли қатламлари манфаатлари ифодачиси, уларнинг сиёсий жараёнларда, ҳокимият органларида акс эттириши керак бўлган институт сифатидаги ролини янада кучайтиришни тақозо этади. Ушбу вазифа реал воқеликка айланмас экан, сиёсий партияларнинг мамлакатда демократик ўзгаришлар драйверига айланиши мураккаблигича қолаверади.

2017 йилдан бери парламентга йўлланган Мурожаатномалардаги кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришга оид масалалар таҳлили қуйидаги хулосаларга олиб келади.

Биринчидан, Мурожаатномаларда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётини модернизациялашдаги вазифалар ижтимоий-сиёсий ҳаётни янада демократлаштириш борасидаги вазифаларни амалга ошириш билан бирга бажаришни назарада тутади, яъни жамиятни ислоҳ қилишга комплекс ёндашув яққол кўзга ташланади. Бу эса мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўринга эга сиёсий партияларнинг ислоҳотлардаги муҳим ролини белгилайди.

Иккинчидан, ҳар бир Мурожаатномада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мавжуд даражасидан келиб чиққан ҳолда сиёсий партиялар олдида турган вазифалар кўлами ҳам аниқ белгилаб берилган. Сиёсий партиялар фаолиятида кўзга ташланаётган камчиликларга эътибор қаратилиб, тегишли йўналишларда фаолиятни такомиллаштириш борасида тавсиялар берилган.

Учинчидан, Мурожаатномалардан келиб чиққан ҳолда ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг ривожи учун зарур вазифаларни алоҳида белгилаб олиш мумкин. Булар:

— сиёсий партиялар тизимида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг асосий йўналишларидаги мавжуд вазиятни объектив ўрганиш, таҳлил қилиш тизимини шакллантириш зарурлиги;

— аҳоли томонидан кўтарилаётган, шунингдек, ўз таҳлиллари асосида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида кўзга ташланаётган муаммоларни ҳал этувчи таъсир механизмларини ишлаб чиқиш, бу борада амалдаги қонунчиликка зарур ўзгаришлар киритиш лозимлиги;

— жамият тараққиётининг муҳим масалалари, парламентда қонун лойиҳалари муҳокамалари жараёнида партиялараро рақобат муҳитини ривожлантириш зарурияти;

— сиёсий партияларнинг ўз электорати билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, партияларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, бу борада замонавий технологияларни кенгроқ жорий этиш вазифаси;

— мамлакат ривожи учун муҳим стратегик масалалардан бири бўлган демократик ислоҳотлар йўлини амалга оширишда сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган тизимли ишларни бажариш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакат раҳбарининг парламентга Мурожаатномалари нафақат ҳокимиятнинг асосий тармоқлари, балки мамлакат сиёсий тизимининг муҳим қисми бўлган сиёсий партиялар ривожининг ҳам асосий векторларини белгилаб берувчи дастурий ҳужжат бўлди. Мурожаатномаларда қўйилган аниқ вазифаларнинг ижроси партияларнинг мамлакатни модернизация қилиш жараёнида муҳим сиёсий факторлар сифатида муносиб ўрин тутиши, функционал жиҳатдан халқ билан, ўз электорати билан яқиндан ишловчи субъектлар сифатида шаклланиши, қолаверса, демократик ўзгаришларни янги даражага олиб чиқишнинг ўзига хос йўлига айланишига асос яратади.

ПРЕЗИДЕНТ ТОМОНИДАН ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИНИНГ ЯГОНА ВА ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛ СИФАТИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ МАМЛАКАТДА КЎППАРТИЯВИЙЛИК ТИЗИМИНИНГ ЯНАДА РИВОЖ ТОПИБ БОРИШИНИ СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАР ҚАТОРИГА ОЛИБ ЧИҚАДИ.

ШАРҲ

Қаҳрамон ТЎРАҚУЛОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ғаллачилик бошқармаси бошлиғи

Мамлакатимиз Президентининг 2020 йил Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида бошоқли дон етиштириш, харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини янада оширишга қаратилган қулай агробизнес муҳитини яратиш орқали "давлат буюртмаси"дан босқичма-босқич воз кечиш белгилаб берилган эди. Давлатимиз раҳбарининг икки кун олдин матбуотда эълон қилинган "Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур долзарб вазифани амалга оширишга асос бўлган дастурий ҳужжатдир.

ҒАЛЛАКОРЛАРНИНГ
ОРЗУ-НИЯТЛАРИ ИЖОБАТИ

Қарорда 2020 йил ҳосилидан бошлаб, давлат хариди учун товар дон сотиш миқдори 25 фоизга камайтирилади ёки ҳар бир бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжаликларининг ўзларида қолдирилади. Улар қолган донни ўзлари эркин тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади. 2021 йил ҳосилидан бошлаб давлат томонидан ғаллага харид нархини белгилаш ва давлат харидидан тўлиқ воз кечилади, фермерлар ва бошқа ғалла етиштирувчилар донни сотишда тўлиқ мустақил бўлади.

Эндиликда ҳар йили 1 августга қадар келгуси йил бошоқли дон ҳосили учун кутилаётган минимал нарх оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилади ва ғаллакорлар томонидан етиштирилган дон истеъмолчиларга биржа орқали ёки тўғридан-тўғри шартномалар асосида эркин нархда сотиш ҳуқуқи берилади. Шунингдек, 2020 йил 1 июндан бошлаб молиялаштиришда янги тизим жорий этилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 12 ой муддатгача дон қийматининг 40 фоизигача йиллик 10 фоиз, 50 фоизигача молиялаштирилганда йиллик 12 фоиз ставкадан (шундан банк маржаси 2 фоиз) ошмаган миқдорда кредит ажратилади. Агар ажратилган кредитлар муддатида қайтарилмаса, қайтарилмаган қисми тижорат кредити сифатида қайта расмийлаштирилади.

Энг муҳим томони, ғалла етиштирувчилар кредитлардан эркин фойдаланади ҳамда моддий ресурслар етказиб берувчиларни ихтиёрий танлайди. Донни қайта ишловчиларга ғаллани харид қилиш учун тижорат банклари томонидан 12 ой муддатгача 50 миллиард сўмгача тижорат кредити ажратилади. Бунда, кредитлар миллий валютада ажратилганда кредит фоизининг Марказий банкининг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 10 фоиз пунктидан кўп бўлмаган қисмига, хорижий валютада ажратилганда кредит фоизининг 30 фоизигача, лекин 3 фоиз пунктидан кўп бўлмаган қисмига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасидан компенсация берилади. Лекин ғаллани харид қилиш учун ажратилган кредит маблағларининг муддатида қайтарилмаган қисми компенсация қилинмайди.

Фермер хўжаликлари ва бошқа корхоналар томонидан етиштириладиган ғалла барча истеъмолчиларга, шу жумладан донни қайта ишловчи корхоналарга, ғаллачилик кластерларига биржада ёки тўғридан-тўғри шартномалар асосида эркин нархларда сотиш ҳуқуқига эга бўлади. Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ички бозорда дон нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун зарур миқдордаги ғалла фьючерс, форвард шартномалари асосида ёки биржа савдолари орқали эркин нархларда харид қилинади.

Қарорда ички бозорда дон нархлари барқарорлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бундай тадбирларни амалга ошириш учун харид қилинадиган буғдой мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан тасдиқланадиган ойлик график асосида Жамғарма томонидан биржада сотувга қўйилади.

Дон етиштирувчи хўжаликларни сифатли уруғлик билан таъминлаш мақсадида сертификатланган уруғлик етказиб бериш тизими сақлаб қолинмоқда. 2021–2023 йилларда уруғлик етказиб бериш босқичма-босқич Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги уруғчилик кластерлари ва элита уруғчилик хўжаликлари, ғаллачилик кластерлари зиммасига юклатилади.

Қарор билан ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига кўрсатиладиган хизматлар монополиясига барҳам берилиб, "Ўздонмаҳсулот" АК билан бир қаторда донни сақлаб беришни бошқа тадбиркорлик субъектлари ҳам таклиф қилишига рухсат берилмоқда. Шу билан бирга "Ўздонмаҳсулот" АК тизимига кирувчи дон корхоналарини 2020-2021 йилларда хусусий секторга сотиш чора-тадбирлари ҳам кўрилади.

Мухтасар айтганда, ғалла етиштиришда давлат буюртмаси ва харид нархини белгилаш амалиётидан воз кечиш бўйича қабул қилинган ушбу қарор бозор механизмларини яратишда муҳим омил бўлади, ғаллакорларнинг эркин иш юритишлари ва моддий манфаатдорликлари учун кенг йўл очади.

БИЗНЕС-ФОРУМ

Сергей МИХАЙЛОВ

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва Европа Иттифоқида синовдан ўтган илғор технологияларни жорий этиш имкониятлари — пойтахтимизнинг «Hilton Tashkent City» меҳмонхонасида Ўзбекистон ва Нидерландия мутахассислари иштирокида бўлиб ўтган бизнес-форумнинг асосий мавзуси бўлди. Унда таъкидлаганидек, мамлакатимиз билан олис Голландияни мустаҳкам савдо-иқтисодий алоқалар бир-бирига боғлаб туради. Нидерландия қишлоқ хўжалигини механизациялаш, чорва молларини кўпайтириш, замонавий чорвачилик ва паррандачилик мажмуаларини яратиш бўйича Европада етакчи ўринларда туради.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Форумда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, шунингдек, картошка, инновацион суғориш тизимларини ишлаб чиқувчилар, иссиқхоналар қуриш, мевали дарахтлар экиш ва бошқаларга ихтисослашган Голландия фирмалари ходимлари иштирок этгани ҳам тасодифан эмас.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

— Голландиянинг муваффақиятли тажрибаси шароитимизга мослаштирилиши мумкин ва керак, — дейди Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти мутахассиси Ўрол Норинов. — Форум икки мамлакат мутахассислари ўртасида очиқ мулоқот, суҳбат форматида бўлиб ўтди. Бизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишимиз мумкин бўлган томонларимиз кўп. Ривожланган мамлакатларда аҳолининг кичик фоизи қишлоқ хўжалигида ишлайди, ерлардан, алмашлаб экиш, механизация ва энг янги технологиялардан малакали фойдаланиш орқали юқори ҳосилга ва маҳсулдорликка эришилади. Бизнинг аграр секторимиз ҳам босқичма-босқич ушбу йўналишда ҳаракат қилади.

— Ўзбекистонга паррандачилик хўжаликлари учун тўлиқ ускуналар технологиясини келтирдик, бу борада дунё бўйича катта тажрибага эгамиз, — дейди Голландиянинг «Chore-Time Europe» компанияси вакили Рон ван ден Берг. — Мамлакатингиздаги шериклар билан узоқ муддатли самарали ҳамкорликка умид қиламиз.

Форум доирасида тадбиркорлар савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва савдо-сотиқни ошириш масалалари муҳокама қилинган давра суҳбатлари ҳам бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари кенг кўламли лойиҳа ташаббускори бўлди. Қурилиш майдонига ташрифи чоғида мазкур базада мамлакатдаги биринчи газ-кимё кластерини яратишни таклиф қилди. Зеро, янги заводда нафақат дизель ва авиация ёқилғиси, балки нафта (431 минг тонна), суюлтирилган газ (50 минг тонна) ишлаб чиқарилади.

“ЎЗБЕКНЕФТГАЗ”:

ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ – РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИ ВА ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШИШ УЧУН

Темур НИЗАЕВ.
«Правда Востока»нинг махсус мухбири
Қарши – Ғузор – Муборак

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида энергетика ва нефть-газ саноатида чуқур тузилмавий ўзгаришлар бошланганини таъкидлади. Жорий йилда 23 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилади ҳамда 206 та янги йирик қувватлар ишга туширилади. Жумладан, Шўртан газ-кимё мажмуасида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилади.

ДАРЁ БЎЙИДА ЯШАБ, СУВГА ТАШНА ЭДИК

Муборак тумани Сариқ қишлоғидаги мактаб ўқитувчиси Саломат Жумаева суҳбатни мазкур ўзбекона мақол билан бошлади.

— Шундоққина яқинимизда миллиардлаб кубометр углеводород ишлаб чиқарадиган газни қайта ишлаш заводи бор эди, аммо биз ёқилғи хомашёсидан баллонларда фойдаланардик, — дейди у. — Пишир-куйдирга етарди, аммо олти хонали уйни исита олмасди. Оиламиз эса катта: ўн нафар ўғил-қиз, келинлару набиралар. Қишда совқотмаслик учун барчамиз битта уйга тиқилиб олардик. Уйни эса қўлбола «буржуйка»ларда кўмир ёки кесиб келинган саксовул билан иситардик.

Агар эътибор қилган бўлсангиз, қишлоғимиз кўчалари бўйида ёш ниҳоллар кўкаряпти. Эски ва катта теракларнинг қарийб ҳаммаси кесилиб, ўтин бўлиб кетган. Янги кўчатлар 2017 йилнинг декабрида табиий газ келгандан сўнг экилган.

— 410 нафар бола ва ўсмирлар таълим оладиган мактабимиз ҳам ўзгарди, — давом этади бошланғич синф ўқитувчиси. — Совуқ кунлари ўқувчилар парталарда пальто ва курткаларда, баъзан аччимсиқ тутундан бўғилиб ўтиришар эди.

Тортилган газ тармоғи қишлоқни бутунлай ўзгартириб юборди. Сариқда 280 хонадон бўлиб, уч мингдан зиёд киши яшайди. Одамлар эътибор ва ғамхўрликни ҳис қилишди.

— Нафақат Муборак, балки Миришкор ва Касби туманлари аҳолисига ҳам табиий газ етказиб бераяпмиз, — дейди Муборак нефть-газ қазиб олиш бошқармаси бош муҳандиси Бегимқул Султонов. — Тўхтатиб қўйилган ва яроқсиз, деб топилган қудуқларни тикладик. Илгари фойдаланилган, лекин газ истеъмолчиларига яна ўн йиллар давомида хизмат қилиши мумкин бўлган кичик қувватли компрессор станциялари ўрнатилди, қувурлар ётқизилди. Ички захираларни топишга қаратилган бундай чоралар бошқарманинг бошқа ишлаб чиқариш участкаларида ҳам олиб борилмоқда.

МЕГАЛОЙИҲАНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

Бугунги кунда хорижий таҳлилчилар нефтгаз секторининг нафақат миқдорий кўрсаткичларини, балки ўз ресурсларига нисбатан миллий стратегиянинг қандай ўзгаришини ҳам кузатадилар. Шу боис 2030 йилгача бўлган давр мобайнида ушбу соҳани ривожлантириш концепцияси мутахассислар диққат марказида турибди. Ўзбекистонда бир қанча истиқболли ва устувор лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, Шўртан газ-кимё мажмуаси (ГКМ) ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш ва синтетик суюқ ёқилғи (GTL) ишлаб чиқариш заводи қуришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Корхона газ ва конденсат қурилмаси, компрессор станциялари, газни кислотали компонентлардан тозалаш технологиялари, хомашёни қуритиш, этан, пропан, бутан ажратиб олиш, олтингугурт ва полиэтилен гранулалари ишлаб чиқариш, шунингдек, ёрдамчи иншоотлар, маҳсулот парклари ва сув, буғ ва электр таъминоти хизматларини ўз ичига олади. Этилен ва полиэтилен маҳсулотлари учун тўлақонли ишлаб чиқариш инфратузилмаси яратилади.

Замонавий ускуналар назорат-ўлчов аппаратларига эга ва технологик жараёнлар автоматлаштирилган. Маҳсулот сифатини назорат қилиш марказий лаборатория мутахассислари томонидан халқаро стандартларга мувофиқ амалга оширилади.

Корхонада ҳар йили 3,9 миллиард куб метр хом газ қайта ишланади, қарийб шунча — метан маҳсулоти, 125 минг тонна полиэтилен гранулалари, 100 минг тонна суюлтирилган газ, шунча миқдорда газ конденсати, 1,5 минг тонна гранулаланган олтингугурт, 750 минг квадрат метр алюмокомпозит панель, 4,5 минг тонна шланг ва уларни бириктирувчи қисмлар кўринишидаги босимли ва томчилатиб суғориш қувурлари ишлаб чиқарилади.

Рақамлар нафақат мутахассислар учун ҳайбатли. Шу билан бирга, барча якуний маҳсулотлар юқори қўшилган қийматга, озиқ-овқат маҳсулотларига алоқадор бўлган маиший жиҳозлардан фойдаланиш хавфсизлигини кафолатлайдиган экологик ва гигиеник сертификатларга эга. Сифат — муҳим таркибий қисм.

— Хориждаги шунга ўхшаш корхоналарнинг ривожланиш тарихини ўрганар эканмиз, уларнинг барчаси маълум тараққиёт босқичида маҳсулот ҳажми ва турларини кўпайтириш ҳамда таннархини пасайтириш мақсадида кенгайиш ва модернизация қилиш даврини ўтишганини таъкидлаш мумкин, — дейди “Шўртан газ-кимё мажмуаси” бош директори ўринбосари Фахриддин Қувватов.— Одатда, мазкур тадрижий босқич корхонанинг 10-15 йиллик фаолиятидан сўнг юзага чиқади ва кўпинча технологик ускуналарни капитал таъмирлаш даврига тўғри келади.

2020 йилнинг тўртинчи чорагида Шўртан ГКМда қўшимча қувватларни ишга тушириш режалаштирилган. Хусусан, полимер ишлаб чиқаришини диверсификация қилиш натижасида полиэтилен гранулалари тайёрлаш тўрт баробарга, яъни йилига 505 минг тоннагача ошади.

Улкан режаларни амалга ошириш учун муҳим ва реал шарт-шароитлар мавжуд. Президентимизнинг 2017 йил 11 майдаги “Шўртан газ кимё мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш” инвестицион лойиҳасини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Жанубий Корея ва Нидерландиянинг таниқли корхоналари, “ЎзЛИТИ инжиниринг” ҚҚни батафсил лойиҳалаштиришга жалб этган бош пудратчи — “Enter Engineering” (Сингапур) компанияси билан шартнома имзоланди. 240 дона ускуна, жумладан, ностандартларини ҳам харид қилиш назарда тутилган. 350 нафарга яқин мутахассис ва қурувчи жалб қилиниб, 135 та техника сафарбар этилди. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган “Йўл харитаси”га мувофиқ амалга оширилмоқда.

Шўртан ГКМ ўз филиалларида янги қувватларни татбиқ этиш бўйича етарли тажрибага эга. Қаршитермопласт цехининг полиэтилен қувурлари ва боғловчи фитинглари, алюмокомпозит панеллар ва томчилатиб суғориш учун бутловчи қисмлар бозорда барқарор мавқега эга. Бу ерда 175 та иш ўрни яратилган. “Суперконцентрат ишлаб чиқаришни ташкил этиш” лойиҳаси амалга оширилди. 330 тонна талаб катта бўлган полимер концентратлари етказиб берилади. “Навоий” ЭИЗ ҳудудида корхонанинг иккита шўъба филиали фаолият кўрсатмоқда. У ерга ўрнатилган технологик ускуналар йилига 1 800 тоннадан зиёд полиэтилен ва 1 100 тонна полипропиленни қайта ишлаш имконини беради. Хоразм ва Қорақалпоғистонда “Янгиариқ пласт” ва “Нукус полимер” МЧЖлари фойдаланишга топширилди.

Шўртан ГКМнинг тозаланган метанидан келиб чиқиб, мажмуанинг ишлаб чиқариш инфратузилмасини ҳисобга олган ҳолда, унинг яқинида синтетик суюқ ёқилғи (GTL) ишлаб чиқариш заводи қурилаётгани ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу дунёдаги энг йирик мажмуалардан бири бўлади. Бундай корхоналар фақат ЖАР, Малайзия ва Қатарда фаолият юритмоқда. UzGTL ҳайратли технология бўйича қатъий экологик стандартларга жавоб берадиган, сифати ва зарарли аралашмаларсиз муқобили бўлмаган юқори тоза дизель ҳамда авиация ёқилғисини ишлаб чиқаради.

Қурилиш майдонининг ҳудуди 135 гектарга тенг. Мегакорхона қурилишига 3,5 минг нафар, жумладан, хорижий мамлакатлардан ҳам эксперт ва ишчи-ходим, 400 тага яқин махсус техника жалб этилган. Ўнлаб катта оғирликка эга устунлар, компрессорлар, турбиналар ва генераторлар кўкка бўй чўзмоқда. Энг қийин вазифалардан бири эса, Фишер-Тропш реакторларини йиғиш. Компонентлари ва қисмлари ўнлаб мамлакатлардан келтирилган. Бундай замонавий ускуналарнинг умумий оғирлиги саккиз минг тоннадан зиёдни ташкил этади. Жами оғирлиги 40 минг тоннадан ортиқ бўлган металл конструкциялар, 25 қаватли бино баландлигидаги қудратли кўтарма кранлар ҳам ўрнатилади. Том маънодаги улкан лойиҳанинг қиймати — 3,6 млрд. доллар.

Мазкур заводнинг ишга туширилиши углеводород хомашёсини қайта ишлашнинг мутлақо янги босқичига ўтиш имконини беради. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, UzGTL нефть маҳсулотларининг йиллик импортини 1,5 миллион тоннага қисқартиради ва бутун республика ёқилғи-энергетика соҳаси шитоб билан олға силжийди.

Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув масаласи ҳал этилмоқда. Бу ҳам Ўзбекистонда нефть-газ тармоғи ривожланишининг асосий йўналишларидан биридир. Кучли ишлаб чиқариш ва инвестиция салоҳиятига эга бўлингач, халқаро форумлар, конференциялар ва “B2B” форматидаги учрашувларда ҳамкорлар билан теппа-тенг мулоқотларга киришиш мумкин бўлади. Масалан, 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида Тошкентда ўтказиб келинаётган ҳамда ўнлаб жаҳон компаниялари раҳбарлари учун музокаралар ва келишувлар платформасига айланган анъанавий “Ўзбекистон нефть ва гази — OGU” халқаро кўргазмасида.

Мамлакатимиз раҳбари кенг кўламли лойиҳа ташаббускори бўлди. Қурилиш майдонига ташрифи чоғида мазкур базада мамлакатдаги биринчи газ-кимё кластерини яратишни таклиф қилди. Зеро, янги заводда нафақат дизель ва авиация ёқилғиси, балки нафта (431 минг тонна), суюлтирилган газ (50 минг тонна) ишлаб чиқарилади. Буларнинг бари Шўртан газ-кимё мажмуасида янада чуқур ишлов бериш ўзлаштирилади. Шундай қилиб, полимер маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли ошади.

Қурилиш жорий йилда ўз якунига етади. Улкан муҳандислик ечимлари ва космик иншоотга қиёсланаётган қурилиш кўлами 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ислоҳотлар доирасидаги реал эришилган ютуқлар сирасига кириши, шубҳасиз.

МАЪЛУМОТНОМА

Муборак нефть-газ компанияси 1972 йилда ташкил топган. Турлича номлар билан аталган, лекин у ҳамиша Ўзбекистондаги энг йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқариш объектлари нафақат Қашқадарёда, балки Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларида ҳам жойлашган. 600 га яқин бурғилаш қурилмаларидан фойдаланган ҳолда 33 конда нефть ва газ қазиб олиниб, қайта ишланади. “Кўкдумалоқ”, “Зеварда”, “Алан”, “Памук”, “Жанубий Ўртабулоқ”, “Самонтепа”, “Денгизкўл” конларида компрессор станциялари фаолият кўрсатмоқда. Бошқарма Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи учун ҳам хомашё етказиб беради. Шунингдек, унинг таркибида механик ва электрокимёвий цехлар, хомашёнинг потенциал захираларини ўрганиш учун бурғиловчи ва геология-қидирув бригадаси, шунингдек, бошқа ихтисослаштирилган ва ёрдамчи корхона ҳамда ташкилотлар мавжуд. 3 200 га яқин киши меҳнат қилади.

Муборакнинг асосий диққатга сазовор жойларидан бири — бошқарма маъмурияти ҳудудида қурилган Завод тарихи ва меҳнат шуҳрати музейи ҳисобланади.

— Музейни барпо этиш ғояси 2007 йилда, компаниянинг 35 йиллигини нишонлаш чоғида пайдо бўлди, — дейди бошқарма ходими Виктория Чеснокова. — Орадан бир неча йил ўтиб, икки қаватли бино қад ростлади. Музейнинг замонавий меъморий кўриниши ноёб экспонатларни сақлаш учун зарур бўладиган талабларга уйғун. Стендларни безашда, ҳатто, тошкентлик таниқли рассом ва дизайнерлар ҳам иштирок этган.

Ўнлаб стендларда уч юздан ошиқ экспонатлар — аввалги йиллардаги махсус кийимлар ва логотипларидан тортиб, 140 гектар майдонни эгаллаган бутун корхона модели, лабораториялар, бурғилаш миноралари, конлар, шунингдек, бизнинг “Машъал” профессионал футбол клубимизнинг медаль, кубок ҳамда турли хил рамзлари, заводимизнинг спартакиадалар ва турнирларда қўлга киритган совринларигача қўйилган. Асосийси шуринда эса, заводнинг шонли тарихини яратишда турган инсонлар, Ўзбекистон нефть-газ саноати гиганти нуфузи ва имижини мустаҳкамлаганларнинг фотосуратлари. Турли йилларда корхонага раҳбарлик қилган инсонларнинг ҳам портретлари бу ердан жой олган.

Қарши ва Бухоро шаҳридаги олий ўқув юртлари талабалари, шунингдек, кўплаб меҳмонлар, жумладан, хориждан ташриф буюрганлар ҳам корхона билан танишишни музейдан бошлашади.

КОРХОНАДА ҲАР ЙИЛИ 3,9 МИЛЛИАРД КУБ МЕТР ХОМ ГАЗ ҚАЙТА ИШЛАНАДИ, ҚАРИЙБ ШУНЧА – МЕТАН МАҲСУЛОТИ, 125 МИНГ ТОННА ПОЛИЭТИЛЕН ГРАНУЛАЛАРИ, 100 МИНГ ТОННА СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ, ШУНЧА МИҚДОРДА ГАЗ КОНДЕНСАТИ, 1,5 МИНГ ТОННА ГРАНУЛАЛАНГАН ОЛТИНГУГУРТ, 750 МИНГ КВАДРАТ МЕТР АЛЮМОКОМПОЗИТ ПАНЕЛЬ, 4,5 МИНГ ТОННА ШЛАНГ ВА УЛАРНИ БИРИКТИРУВЧИ ҚИСМЛАР КЎРИНИШИДАГИ БОСИМЛИ ВА ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ҚУВУРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ.

...ВА ОИЛАВИЙ СУЛОЛАЛАР

Шу йил ташкил этилганига қирқ йил тўладиган Шўртан нефть-газ қазиб олиш корхонаси “Ҳисорнефтгаз”, “Epsilon Developmet” ва “Лукойл” компаниялари билан ҳамкорлик қилади. “Ўзбекнефтгаз” статистика маълумотларига кўра, шўртанликлар ўтган йили умумий жамғармага 26 фоиз қайта ишланган газ, 30,6 фоиз — нефть ва 25,5 фоиз — конденсат, 35,7 фоиз — пропан-бутан 0,6 фоиз — олтингугурт билан ҳисса қўшган.

...Ғузор яқинидаги бепоён Қарши даштидан газ кони топилгач, геологлар ҳайратга тушишди. Албатта, кон мавжудлиги башорат қилинган, аммо бунақа ҳажмда эмасди.

— Юзадаги ҳарорат 120 даража(!) дан юқори, — дейди компанияда ўттиз йилдан ортиқ вақтдан буён ишлаб келган “Шўртаннефтгаз” бошқармаси бошлиғи Фахриддин Саидов. — Конниг узунлиги — 18,5 километр, кенглиги —17, чуқурлиги — 476 метрни ташкил этади. Ноёб саноат қатламидаги газ захираси 635 миллиард куб метрга етади.

Бу кон асосида углеводород хомашёсини ўзлаштириш 1970 йилларнинг ўрталарида бошланган. 140 гектар майдондаги ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш заводи 1980 йилда ишга тушган. Газ “Шўртан”, “Жанубий Тандирча”, “Бўзахўр”, “Шарқий Бўзахўр”, “Чингар”, “Тарносой”, “Номозбой”, “Зафар”, “Ойдин”, “Топичоқсой”, “Ёрмоқ” конларидан олинади. Учта компрессор станцияси мажмуаси ишлайди. Замонавий газ турбиналари билан жиҳозланган ускуналар Россия, Украина ва АҚШнинг таниқли ишлаб чиқарувчилари томонидан етказиб берилган. 52 та цехда тўрт мингдан ортиқ мутахассис меҳнат қилмоқда.

— Бутун ишлаб чиқариш жараёни марказлаштирилган диспетчер хонасидан бошқарилади, — дейди бош муҳандис Сарвар Раҳимов. — Видеокузатув ўрнатилган, умуман, кўп жараёнлар автоматлаштирилган. Узлуксиз ишлаб чиқариш тизимига инсон омилининг таъсири кам, завод кеча-кундуз ишлайди.

“Шўртаннефтгаз”да ишнинг қийинлиги унинг “А” зонасида амалга оширилиши, яъни хавф тоифаси юқорилиги билан ҳам боғлиқдир. Шу боис бу ерда хавфсизлик чораларига қатъий риоя этилади. Мутахассислар учун нафақат самарали меҳнат, балки тўлақонли дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун ҳам барча шароитлар яратилган. Ишчилар қишлоғида вахтали меҳмонхона, поликлиника, дўкон, бир неча ошхоналар, цехлар жамоалари ўртасида беллашувлар ўтказиладиган трибунали стадион мавжуд. Ўз автопарки ва юздан зиёд автобус ва шахсий автомашиналар учун тураргоҳга эга. Инфратузилманинг ўз фермер хўжалиги (бир ярим минг бош қорамол боқилади), иссиқхонаси ва мевали боғи бор. Завод ҳудудига йигирма мингга яқин дарахт ва кўчатлар ўтқазилди. Уларни суғориш эса қўлда яратилган сув омбори орқали амалга оширилади. Хуллас, бепоён дашт ўртасида гуллаган воҳа.

Шу боис ҳам корхонада кадрлар қўнимсизлиги, деган гап деярли йўқ. Боз устига бу ерда оилавий сулолалар ҳам меҳнат қилади. Биз журналистларга гидлик қилган бўлим бошлиғи Фахриддин Саидовнинг ўғли Нодиржон ҳам метрология лабораториясида ишлар экан.

— Ким билсин, агар завод бўлмаганида тақдирим ҳам бошқача кечган бўлармиди, — дейди у. — Масалан, отамни олсак, ҳар куни ишга улкан иштиёқ билан отланади, кечқурун уйга мамнун қайтади. Уни билган одамлар бу — бахтнинг бир кўриниши, дейишади. Шўртандаги корхонада мутахассисликка эга бўлдим, давлат учун улкан ва зарур ишга дахлдор эканимни ҳис қиламан. Яқинда халқ депутатлари Ғузор тумани кенгашига депутат этиб сайландим. Сайловчилар ишончини оқлаш — катта масъулият юклайди. Одамларнинг ҳурматини қозонганимдан фахр туяман.

Бош энергетик бўлимида 1995 йилдан бери Дилдора Кенжаева ишлайди. У ҳам ота-онаси изидан кетган. Газ-электр пайвандчи касбини танлаган акаси Исроил ҳам шу ерда меҳнат қилади. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти битирувчиси Олеся Кузовлева эса корхонада ўн олти йилдан бери меҳнат қилади. Ота-онаси корхонага тамал тоши қўйилгандан бошлаб ишлаган. Акаси Алексей йигирма йилдан бери оператор. Робия Собирова нафақага чиққан, аммо фарзандлари Саодат, Шуҳрат ва Зулфиялар оилавий анъанани давом эттиришмоқда. Корхонанинг таниқли мутахассислари — Жавоҳир Одилов, Жасурбек Исомиддинов, Мансур Муртазоев, Мавлуда Қаршиева ва Шерзод Сайфуллаевнинг яқинлари ва фарзандлари ҳам ана шундай сулолалар сирасига киради... Ўз фаолиятини завод билан мустаҳкам боғлаган, мамлакат равнақига ҳисса қўшаётган, яқинлари ва дўстлари учун муносиб ҳаёт кечириш имконини яратаётганларнинг номларини яна кўп келтириш мумкин.

Ўзбекистоннинг Гаага конференциясига қўшилиши мамлакатимизда кейинги йилларда жамиятимизнинг барча жабҳаларида юз бераётган улкан ўзгаришларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир. Зеро, юртимизда фақат сўнгги икки йилда инвестициявий муҳитни яхшилаш бўйича 470 дан ортиқ, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун 200 дан зиёд қонунчилик ҳужжати қабул қилинди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 12 март, 35-сон

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН ГААГА КОНФЕРЕНЦИЯСИГА ҚЎШИЛДИ

Баҳор ХИДИРОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Глобаллашув жараёни тобора чуқурлашаётган бугунги даврда инсон тақдири, эркинлиги ва ҳақ-ҳуқуқларига дахлдор кўпгина муҳим ҳуқуқий масалаларнинг оқилона ечимини топиш халқаро ҳамкорликни янада кенгайтиришни тақозо этаяпти.

Президентимиз 2020 йил 2 мартда имзолаган Ўзбекистон Республикасининг "Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси Уставини (Гаага, 1951 йил 31 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонуни бу борадаги устувор вазифаларни амалга ошириш, халқаро алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мазкур қонун ижросини таъминлаш мақсадида хорижий мамлакатлар, жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси билан ҳамкорлик мазкур йўналишдаги ҳуқуқий ва ташкилий ишларни ривожлантиришга замин бўлаяпти.

— Мамлакатимизни ушбу ташкилотга тўлақонли аъзо қилиш учун ҳаракатлар 2019 йилда бошланган эди, — дейди Адлия вазирлигининг халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Нодир Жуманиёзов. — Ўтган йили июнь ойида Адлия вазирлиги делегацияси Гаага шаҳрига ташриф буюриб, ташкилотнинг 22-дипломатик сессиясида кузатувчи сифатида иштирок этди. Жорий йил 3-6 март кунлари Ўзбекистон делегациясининг Нидерландияда халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси умумий масалалар ва сиёсат кенгаши йиғилишидаги иштироки тарихимизда янги саҳифа очди. Тадбир доирасида 2020 йил 4 март куни мамлакатимиз ушбу нуфузли халқаро ташкилотга расман тўлақонли аъзо сифатида кирди.

Гаага конференциясининг умумий масалалар ва сиёсат кенгаши 1893 йилда ташкил этилган ноҳукумат ташкилотдир. Унинг мақсади халқаро хусусий ҳуқуқ меъёрларини мунтазам унификация қилишга кўмаклашишдан иборат. Ўзбекистон ва Доминикан Республикасининг ушбу ташкилотга қўшилиши ортидан унинг аъзолари сони 85 тага етди.

МИГРАЦИЯ ШИДДАТИ ВА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗ МУҲОФАЗАСИ

Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасидаги ҳуқуқий ва ташкилий механизмларни замон талаблари асосида йўлга қўйиш Ўзбекистон учун долзарб аҳамиятга эга. Чунки миграциянинг шиддат билан ўсиши, турли соҳаларда давлатлараро миқёсда ҳал этиладиган фуқаролик-ҳуқуқий масалалар кўпайиб бораётгани бу борада халқаро ҳамкорликни кенгайтиришни тақозо этмоқда. Мамлакатимизнинг Гаага конференциясига аъзо бўлиши юртимизда ва хорижда халқимизнинг, айниқса, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш, халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича ҳужжатларда миллий манфаатларимиз ҳимоясини кучайтиришда муҳим қадам бўлди.

Айтиш керакки, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенциялар, жумладан, Гаага конвенцияси биз учун янгилик эмас. Мамлакатимиз бугунги кунгача Гаага конференциясининг учта конвенциясига аъзо бўлган. Булар — фуқаролик масалалари, чет эл расмий ҳужжатларини легаллаштириш талабини бекор қилиш ва халқаро болаларни ўғирлашнинг фуқаролик жиҳатлари бўйича конвенциялар. Мамлакатимиз ушбу конвенцияларнинг аъзоси сифатида улар орқали зиммага олинган мажбуриятларни тўкис адо этиб келмоқда.

ЮРТИМИЗДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАРНИНГ МУНОСИБ ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистоннинг Гаага конференциясига қўшилиши мамлакатимизда кейинги йилларда жамиятимизнинг барча жабҳаларида юз бераётган улкан ўзгаришларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир. Зеро, юртимизда фақат сўнгги икки йилда инвестициявий муҳитни яхшилаш бўйича 470 дан ортиқ, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун 200 дан зиёд қонунчилик ҳужжати қабул қилинди. Шу билан бирга, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган муҳим чора-тадбирлар фаровонлик омили бўлаётир.

Бундан ташқари, яқин қўшни давлатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатлар мустаҳкамланиб бормоқда. Бундан, энг аввало, халқимиз, қолаверса, бутун инсоният манфаат кўрмоқда. Шу боис юртимизда амалга оширилаётган очиқлик, ошкоралик сиёсати жаҳон ҳамжамияти томонидан қизғин қўллаб-қувватланяпти. Гаага конференциясига аъзолик мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш, давлатлараро ҳамкорликни кенгайтириш, бутун дунёда халқаро хусусий ҳуқуқни унификациялашда муҳим роль ўйнайди.

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТГА АЪЗО БЎЛИШ БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

Энг аввало, халқаро ҳуқуқий ёрдам тизими соддалашади ва осонлашади. Фуқаролик-ҳуқуқий соҳага оид халқаро низолар самарали, тез ва кам харажат билан бартараф этилади. Миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ривожланади. Амалий ишлар билан бирга халқаро хусусий ҳуқуқ илм-фани ҳам такомиллашади.

Шу маънода, халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференциясининг навбатдаги мажлиси доирасида Тошкент давлат юридик университети ва халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик келишуви имзолангани муҳим воқелик бўлди. Келишув доирасида ўқитувчи, докторант ва талабаларни малака оширишга юбориш, ҳамкорликда илмий тадқиқотлар ўтказиш, юридик таълим тизимига малакали экспертларни жалб этиш, қўшма тадбирлар ўтказиш, биргаликда халқаро ҳужжатларни таҳлил қилиш ва халқаро хусусий ҳуқуқни ўзаро мувофиқлаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Мамлакатимиз бугунги кунгача Гаага конференциясининг учта конвенциясига аъзо бўлган. Булар – фуқаролик масалалари, чет эл расмий ҳужжатларини легаллаштириш талабини бекор қилиш ва халқаро болаларни ўғирлашнинг фуқаролик жиҳатлари бўйича конвенциялар.

БОЖХОНА

ХАВФНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ

КЎМАГИДА ТОВАРЛАРНИ БОЖХОНА КЎРИГИСИЗ РАСМИЙЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Лутфулла СУВОНОВ

Сўнгги йилларда божхона жараёнларини янада соддалаштириш, фаолиятни тубдан такомиллаштириш, туризм соҳасини ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, божхона назорати ва расмийлаштирувига сарфланаётган вақтни кескин қисқартириш борасида ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 24 ноябрдаги "Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолият самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони тизимда кенг кўламли ислоҳотларнинг янги даврини бошлаб берди.

Маълумки, 2018 йил 1 январдан бошлаб товар ва транспорт воситаларининг божхона назорати расмийлаштирувини амалга ошириш жараёнида "сариқ" ва "қизил" йўлак, 2019 йилнинг 1 мартидан эса "яшил" ва "кўк" йўлакларни қўллашни назарда тутувчи "Хавфни бошқариш тизими" амалиётга тўлиқ татбиқ этила бошланди.

Натижада "ялпи" божхона назоратини ўтказишдан воз кечган ҳолда, хавф профиллари ёки тасодифий танлов асосида товар ва транспорт воситаларининг божхона назорати мазкур йўлакларнинг бирига йўналтирилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг хорижий ва қўшни давлатлар билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш борасидаги ташаббуслари натижасида божхона назорати орқали ўтаётган фуқаролар, товар ва автотранспорт воситалари сони бир неча баробарга ортди.

Хусусан, божхона чегараси орқали ҳаракатланган жисмоний шахслар сони 2019 йилда 42,6 миллион нафарни ташкил этди. Бу 2017 йилга нисбатан 2 баробар кўпдир. 2019 йилда ҳаракатланган автотранспорт воситалари сони 2 миллион 560 мингтани ташкил этди ва бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 3 баробар ошди.

– Хавф ўзи нима? Бу божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилмаслиги эҳтимолининг даражаси бўлиб, хавфни бошқариш – хавфнинг олдини олиш ва уларни имкон қадар камайтириш ҳамда уларнинг қўлланилиш самарадорлигини баҳолашдир, – дейди Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари Бахтиёр Раҳимов. – Шунингдек, божхона операцияларининг бажарилиши устидан назорат қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда бажаришни, божхона органларида мавжуд бўлган ахборотнинг узлуксиз янгиланишини, таҳлил этилишини ва қайта кўриб чиқилишини назарда тутади.

Бир сўз билан айтганда, Хавфни бошқариш тизими божхона қоидаларига амал қилувчи тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб, ўрнатилган тартибларга риоя қилмайдиган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари устидан назоратни амалга оширади.

Қонунчиликда божхона расмийлаштируви муддати уч кун этиб белгиланганлигига қарамасдан қисқа муддатда товарларни расмийлаштириш учун сарфланадиган вақтни камайтиришга эришилди. Шунингдек, тизим кўмагида товарларни божхона кўригисиз расмийлаштириш амалиёти жорий қилинди.

Хавфни бошқариш автоматлаштирилган ахборот тизимидан самарали фойдаланиш натижасида ўтган давр мобайнида давлат бюджетига 81,6 миллиард сўмлик қўшимча божхона тўловлари ундирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Давлат божхона қўмитаси мутасаддилари иштирокида "Хавфни бошқариш тизимига – бир йил: божхона органларида жорий этилган мазкур тизим кўмагида қўлга киритилган натижалар сарҳисоби" мавзусида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ана шулар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

ТРАНСПОРТ

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ЛОКОМОТИВИ

Мамлакатимиз халқ хўжалигида юк ташишнинг 70 фоизи, йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатишнинг қарийб 80 фоизи "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ тасарруфидаги энг йирик корхона – "Ўзбекистон" локомотив депоси ҳиссасига тўғри келади.

Корхона йўловчи ва халқ хўжалиги юкларини ташувчи локомотивларга техник хизмат кўрсатади. Яъни, тепловоз ва электровозларни таъмирлаш ва техник кўрикдан ўтказиш, локомотивларни рейсга тайёрлаш ва уларнинг эҳтиёт қисмларини таъмирлаш ишларини бажаради.

Бу ерда 2550 ишчи-ходим, хусусан, 1200 нафар локомотив бригадирлари фаолият олиб бормоқда. Депо томонидан 4 та юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" электропоезди, 72 та тепловоз, 86 та электровоз ҳамда 6 та электропоездларга техник хизмат кўрсатилади. Россиянинг Новочеркаск электровоз ишлаб чиқариш заводи, Испаниянинг "Талго" компаниялари билан яқиндан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Корхонада ёш ходимлар Россия, Хитой ҳамда испаниялик мутахассислари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Мўзаффар АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР

СИФАТ КАФОЛАТИ

Абдурауф РАСУЛОВ,
"Ўзстандарт" агентлиги матбуот котиби

Республикамиз аҳолисининг сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, шунингдек, мева ва сабзавотлардан олинадиган шарбат маҳсулотларига бўлган умумий талабларни белгилаш мақсадида "Ўзстандарт" агентлиги, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" АЖ ва тегишли вазирлик ҳамда идоралар томонидан ишлаб чиқилган "Мева ва сабзавотлардан олинган шарбат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги умумий техник регламент Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланди.

Мазкур техник регламент Евроосиё Иқтисодий Иттифоқининг ТР ЕАЭС 023/2011 "Мева ва сабзавотлардан олинган шарбат маҳсулотлари техник регламенти", Алиментариус Кодексининг CODEX STAN 247-2005 "Мева шарбатлари ва нектарлари учун умумий стандарт" халқаро талаблари ва Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, шарбат маҳсулотларига микробиологик, радиологик, токсикологик ва бошқа хавфсизлик талабларни белгилайди.

Ушбу регламент маҳаллий ишлаб чиқариладиган ҳамда хориждан кириб келадиган шарбат маҳсулотларига умумий хавфсизлик талабларини белгилаш орқали истеъмолчиларга хавфсиз, сифатли мева ва сабзавот шарбат маҳсулотларини етказиб беришда ишлаб чиқарувчи корхоналар учун муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

STEAM фанларининг ҳафталик ўқув соатларига жами 6 соат қўшиб берилди. Ўқувчиларнинг ҳафталик ўқув юкламаси жами 327 соатдан 314 соатга (-13 соат, 4%) камайтирилди. 2019-2020 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режада умумтаълим фанлари сони 22 та эди.

ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИДАГИ МУҲИМ ЯНГИЛИКЛАР

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида мактаб ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув юкламалари ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш зарурлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур вазифаларни самарали бажариш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан умумий ўрта таълим мактаблари учун 2020-2021 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режа тасдиқланди. Хўш, ундан қандай ўзгаришлар жой олган?

— Умумтаълим мактаблари учун 2020-2021 ўқув **йилига** мўлжалланган таянч ўқув режада 1-4-синфларнинг жами ҳафталик ўқув соати 98,5 соатдан 87 соатга туширилиб, санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқлаштирилди, — дейди Халқ таълими вазирлиги ўқув жараёнини методик таъминлашни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Дониёр Эрматов. — Шунингдек, STEAM фанларининг ҳафталик ўқув соатларига жами 6 соат қўшиб берилди. Ўқувчиларнинг ҳафталик ўқув юкламаси жами 327 соатдан 314 соатга (-13 соат, 4%) камайтирилди. 2019-2020 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режада умумтаълим фанлари сони 22 та эди. Навбатдаги ўқув йилида бу кўрсаткич 17 тани ташкил этди.

ТЎРТТА ФАН БИРЛАШТИРИЛДИ

Кераксиз бўлса-да, ўтилаётган фанлар, замон талабларига жавоб бермайдиган ўқув дастурлари, саводталаб дарсликлар... Буларнинг бари деворга насиҳат қилиш ёки маблағни сувга оқизиш каби натижасиздир. Шуларни ҳисобга олиб, Президентимиз томонидан 2019 йил 23 август куни ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда айтилганидек, "Миллий ғоя", "Одобнома", "Динлар тарихи", "Ватан туйғуси" фанлари бирлаштирилиб, ягона "Тарбия" фани жорий қилинди. 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб, бола мактабга қадам қўйганидан то қўлига аттестатни олгунича "Тарбия" фанини ўқийди.

БИР ФАНДАН 47 ТА МАВЗУ ЧИҚАРИБ ТАШЛАНДИ

Президентнинг 2018 йил 14 августда қабул қилинган "Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида умумий ўрта таълимнинг амалдаги таянч ўқув режасини қайта кўриб чиқиб, 10 фоизга қисқартириш вазифаси белгилаб берилган эди.

— Она тили ва адабиёти фани дарсликларини чуқур таҳлил қилиш натижасида муомалада ишлатилмайдиган қоидалар, мураккаб грамматикага оид айрим мавзулар қисқартирилди, — деди Дониёр Эрматов. — Хусусан, 5-синф она тили ва адабиёти дарслигидан 30 та, 6-синфдан 17 та, жами 47 та мавзу чиқариб ташланди. Шунингдек, 5-синфдаги 40 та ва 6-синфдаги 23 та мавзу юқори синфларга ўтказилди. Жаҳон тажрибасига қарайдиган бўлсак, она тили ва адабиёти фанининг ҳафталик ўқув соати Эстонияда 39 соат, Германияда 41 соат, Финляндияда 42 соат, Англияда 43 соат, Жанубий Кореяда 46 соат, Белоруссияда 42 соат, Қозоғистонда 58 соатни ташкил этар экан. Таянч ўқув режага кўра, мамлакатимизда ушбу фан ҳафтада 57 соат ўқитилиши белгиланди. Она тили ва адабиёт фанининг ўқув дастурлари хорижий тажрибалар асосида ўқувчиларда тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, ёзиш ва оғзаки нутқ кўникмаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга йўналтирилган ҳолда такомиллаштирилди.

АНИҚ ВА ТАБИИЙ ФАНЛАР ТАҚДИРИ

Хабарингиз бор, жорий йилги ОТМга кириш имтиҳонларига математика фани мажбурий фан сифатида киритилди. Таянч ўқув режани тайёрлашда бу масала ҳам эътиборга олинган. Хусусан, ўқувчиларга математика фанини чуқурроқ ўргатиш мақсадида 10-синфда "Алгебра" фанига ҳафтасига 1 соат қўшиб берилди ва ушбу фаннинг ҳафталик ўқув соати миқдори 3 соатга келтирилди.

Кимё ва биология фанлари ўқувчилар учун жуда қизиқарли фанлар сирасига киради. Аксарият шифокору фармацевтларнинг қизиқиши айнан мактабда туғилади. Уларнинг табиий фанларга қизиқишини илғаб олиб, тўғри йўналтириш учун педагогдан катта маҳорат талаб этилади. Баъзида ўқитувчи мавзуларни тўлиқ қамраб олишига дарс соатлари камлик қилиши табиий. Айниқса, лабораторияларда амалий машғулотларни ташкил қилиш учун кўпроқ вақт талаб этилади. Шу сабабли, ўқувчиларга STEAM таълими йўналишидаги фанларни чуқурроқ ўргатиш мақсадида 10-11-синфларда "Кимё" ва "Биология" фанларига 1 соатдан қўшиб берилди ва уларнинг ҳафталик ўқув соатлари миқдори 3 соатга келтирилди.

"Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича туб бурилиш қилиш, бу соҳа учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, таълимнинг барча босқичларида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган ахборот технологиялари жорий этилиши режалаштирилган. Шулардан келиб чиқиб, 5-6-синфларда "Информатика ва ахборот технологиялари" фанига ҳафтасига 0,5 соатдан қўшиб берилди ва уларнинг ҳафталик ўқув соатлари миқдори 1 соатга келтирилди.

"ГЕОГРАФИЯ ВА ИҚТИСОДИЁТ" ФАНИ КИРИТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида "Бир-бири билан узвий боғлиқ бўлмаган фанлар асосида тузилган ўқув дастуридан босқичма-босқич воз кечиш ва ўқув фанлари сонини оптималлаштириш" вазифаси белгиланган эди.

Шу пайтгача "География"дан таълим берган устоз "Иқтисодий билим асослари", "Тадбиркорлик асослари" фанларидан дарс бераверар эди. Янги таянч ўқув режада бу фанлар оптималлаштирилиб, "География ва иқтисодиёт" фани киритилди.

Шу ўринда савол туғилади: бир нечта фанлар қисқариши, мавзулар оптималлаштирилиши айрим ўқитувчиларнинг штати қисқаришига олиб келмайдими? Йўқ, фанлар интеграцияси ва таълим сифатини ошириш бўйича қилинаётган ишлар педагог иш соатига таъсир қилмайди. Аксинча, улардан ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаш, замон талабларига мослашган ҳолда ҳар бир ўқувчига сидқидилдан таълим ва тарбия бериш талаб этилади, холос.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

СИЛГА ҚАРШИ КУРАШИШ

БЎЙИЧА БЕШ ЙИЛЛИК ДАСТУР БОШЛАНДИ

Баҳор ХИДИРОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Муҳаффар АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, сайёрамизда йилига 8,6 миллион киши сил хасталигига чалинмоқда. 1 миллиондан ортиқ бемор эса бу касалликнинг турли асоратлари туфайли вафот этяпти. Бу глобал тиббий-ижтимоий муаммога қарши курашиш, унинг олдини олиш, барвақт аниқлаш, даволашнинг замонавий усулларини яратиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш халқаро ҳамжамият олдидаги муҳим вазифадир.

Мамлакатимизда халқ саломатлигига таъсир этаётган ушбу долзарб тиббий-ижтимоий муаммога қарши курашиш соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларнинг устувор мақсадларидан бири этиб белгиланган. Айни пайтда юртимизда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган "Силга барҳам бериш" стратегияси ва миллий дастур асосида бу йўналишда тизимли иш олиб бориляпти.

Президентимизнинг 2019 йил 13 февралдаги "Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур ишларни янада ривожлантиришга туртки бўлмоқда.

Фтизиатрия соҳасида амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий чора-тадбирлар жараёнида, энг аввало, касалликнинг олдини олиш, тиббий профилактика ва диагностика ишларини замон талаби даражасида ташкил этишга эътибор қаратиляпти. Қолаверса, тиббиёт амалиётига замонавий молекуляр диагностика қурилмалари кенг татбиқ этилмоқда. Натижада касалликни барвақт аниқлаш, самарали даволаш, беморларни соғлом ҳаётга қайтаришга эришилмоқда.

Бундай муҳим ютуқлар туфайли мамлакатимизда сил билан касалланиш кўрсаткичи 2 баробар, ўлим кўрсаткичи 4 баробар камайди. ЖССТ эътирофига кўра, бугунги кунда Ўзбекистон силга қарши олиб борилаётган тадбирларнинг самарадорлиги бўйича Европа минтақасига кирувчи 53 мамлакат орасида 2-ўринга кўтарилди.

Шу билан бирга, силнинг дориларга бардошли турини аниқлаш ва даволаш ишларини янада такомиллаштириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ҳамкорлигида тайёрланган сил касаллигини камайтириш учун мақсадли инвестицияларни кўпайтиришга йўналтирилган янги дастур айни ушбу долзарб муаммо ечимига йўналтирилиши билан аҳамиятлидир.

Пойтахтимизда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва USAID ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шу ҳақда сўз юритилди.

Унда силга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, янги лойиҳалар хусусида маълумот берилди. Таъкидланишича, мазкур лойиҳа минтақада силнинг дориларга чидамли шаклини аниқлаш ва даволаш мақсадида маҳаллий ва минтақавий салоҳиятни ривожлантиришга қаратилган.

Лойиҳа доирасида сил касаллигининг олдини олиш ва даволаш бўйича жаҳон тиббиёти замонавий ютуқлари тиббиёт амалиётига кенг татбиқ этилади. Бу соҳада фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг билим ва тажрибаси оширишга, силга чалинган беморларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва малакали тиббий ёрдамдан тўлақонли фойдаланишига эришишга алоҳида эътибор қаратилади. 2024 йилгача давом этадиган ушбу лойиҳа минтақамизда сил касаллиги бўйича эпидемиологик вазиятни янада яхшилаш ва халқимизнинг саломатлигини муҳофазалашда самара бериши кутилмоқда.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

ҚАРОВСИЗ ОБЪЕКТЛАР ЗАМОНАВИЙ КОРХОНАЛАРГА АЙЛАНМОҚДА

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Иқтисодиётда давлат улуши ва аралашуви максимал даражада кам мамлакатларда тараққиёт жадал тус олади. Шу боис, ҳозир юртимизда давлатга қарашли мол-мулкни хусусийлаштириш, бунинг учун маҳаллий ва хорижий инвесторларни кенг жалб қилишнинг мутлақо янги босқичи бошланган. Давлат активларини хусусийлаштириш, биринчидан, мамлакат ғазнасига мўмай даромад олиб келади. Иккинчидан, давлат ўз зиммасидаги ортиқча мажбуриятлардан халос бўлади. Учинчидан, тадбиркорлик муҳити яхшиланиб, янги иш ўринлари яратилади.

Бу жараён Тошкент вилоятида ҳам кенг кўламда давом этмоқда.

— Жорий йилда вилоятимизда турли объектлар ишга туширилиши натижасида 112,6 миллиард сўм миқдорида инвестиция маблағлари ўзлаштирилиб, 1 319 та янги иш ўрни яратилади, — дейди Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Абдусамад Ҳимматов. — Умуман, 2020-2021 йилларда жами 228,9 миллиард сўм, 187,3 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиши ва 6 312 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган.

Ҳудудий бошқарма инвестиция мажбуриятлари бажарилишини мониторинг қилиш, корхоналарнинг банкротлик ҳолатини ўрганиш ва уларни молиявий соғломлаштириш борасида сезиларли ишларни амалга оширмоқда. Шунингдек, бўш турган, фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини тадбиркорларга бериш, аввал хусусийлаштирилган ва ҳозирда самарасиз ишлаётган объектларни аниқлаш ва фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиш чоралари кўрилмоқда.

2020 йилнинг шу давригача тадбиркорларга ноль ва бир сўм харид қийматда сотилган 14 та объект ўз фаолиятини бошлади. Бунинг учун 32,4 миллиард сўм инвестиция маблағлари ўзлаштирилди, натижада 703 та янги иш ўрни яратилди.

Мисолларга мурожаат этсак. Чирчиқ шаҳридаги нураб ётган академик лицей биноси бугун замонавий болалар боғчасига айланди. "SAR SHI SAR" масъулияти чекланган жамияти бу объект бўйича 4 миллиард 900 миллион сўм инвестиция киритиш, 70 та янги иш ўрни яратиш мажбуриятини олганди. Қарабсизки, тадбиркор Дилобар Атоеванинг саъй-ҳаракатлари билан бир вақтлар қаровсиз турган жой бугун кичкинтойларнинг севимли масканига айланди. Яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишнинг ҳадисини олган тадбиркор энди 5 миллиард 785 миллион сўм қийматидаги лойиҳа асосида мактаб қуришни бошлаб юборди. Муассаса фойдаланишга топширилгач, бу ерда ҳам 38 киши ишли бўлади.

Олмалиқ шаҳри давлат солиқ инспекциясининг эски биноси ўрнида яқиндагина тўқимачилик корхонаси ишга туширилди. Илгари бу бино ноль харид қийматида сотилиб, инвесторга 2 миллиард сўм сармоя киритиш ва 180 та янги иш ўрни яратиш мажбурияти юкланган эди. Ҳозир бу ерда 150 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланиб, замонавий маҳсулотлар пешма-пеш буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Қибрайлик Ўткир Мардонов тадбиркорлик фаолиятини бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Қисқа фурсатда туманнинг энг олис Зафаробод қишлоғидаги ташландиқ ерни олиб, 900 миллион сўм инвестиция киритди. Россия, Туркия ва Болгариядан энг замонавий технологиялар келтириб ўрнатди. Ҳозир корхонада суюқ совун ва намли салфетка ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Тадбиркор экспорт шартномаси тузишга ҳам улгурди. Шартномага кўра, тожикистонлик ҳамкорларга 100 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот етказиб берилади.

Бу вилоятда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ишлардан бир шингил, холос. Режалар эса янада катта. Ҳали вилоятда ўзининг янги инвесторини кутаётган, фойдаланилмаётган, қаровсиз турган объектлар анчагина. Яқин келажакда улар ҳам замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, халқимиз корига ярайдиган маиший хизмат кўрсатиш масканларига айланади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, ЧИРЧИҚ ШАҲАР, В.ҲАЙДАРОВ КЎЧАСИ 20-А УЙДА ЖОЙЛАШГАН БЎШ ТУРГАН БИНО ВА ИНШООТЛАР

ОБЪЕКТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

ЛОЙИҲА ТАШАББУСКОРИ НОМИ — "SAR SHI SAR" масъулияти чекланган жамияти

ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИГАН ФАОЛИЯТ ТУРИ — замонавий болалар боғчаси фаолиятини ташкил этиш

КИРИТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ МИҚДОРИ — 5,7 млрд. сўм

ЯРАТИЛГАН ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ СОНИ — 38 та қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланган.

АВВАЛГИ ҲОЛАТИ

ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

IX-XV асрларда дунё аҳли Фарғонийлар, Хоразмийлар, Беруний лар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Али Қушчилар, Қозизода Румийларнинг илмий кашфиётларидан баҳраманд бўлди. Ҳозирги Ғарб фан-техникаси ўша буюк аждодларимиз қилган кашфиётлар ёрдамида шаклланган туфайли уларнинг мероси чуқур ўрганилиб, ардоқланмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 12 март, 35-сон

ТАРИХ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Ҳар қандай цивилизациянинг қиймати унинг инсоният тарихига қўшган ҳиссаси билан ўлчанади ва баҳоланади. Ислом тамаддуни пайдо бўлиши тарихда туб бурилишлар ясади, илм-фан, ўлмас маънавий-маърифий қадриятлар ривожига туртки берди.

УЛУҒБЕК МАДРАСАСИНИНГ ВОРИСИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДИР

Жўлибой ЭЛТАЗАРОВ,
Самарқанд давлат университети
филология факультети декани, профессор.

Исломда илм-фан тараққиётида мадрасаларнинг ўрни беқиёсдир. Аммо таълим тарихи бўйича мутахассисларнинг илк мадрасалар қаерда ва қачон вужудга келгани борасидаги фикрларида турфалик бор. Масалан, америкалик профессор Кристофер Беквит (Christopher Beckwith) фикрича, илк мадраса IX асрнинг охирларида Буст шаҳрида қурилган. Бу шаҳарнинг асл номи Лашкаргоҳ бўлган, у ҳозирги Афғонистоннинг Ҳилманд вилояти марказидир. Тарих фанлари доктори, профессор Абдулло Мирбобоев эса илк мадрасанинг IX аср охирлари ёки X аср бошларида Моваро уннаҳр ва Хуросонда пайдо бўлганини ёзмоқда. Академик Ботурхон Валихўжаев IX-X асларда Самарқанд шаҳрида 17 та мадраса фаолият кўрсатганини қайд этиб, жумладан, Аҳмад Насафийнинг "Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум" асарига таянган ҳолда уларда диний илм билан бирга дунёвий илмлар ҳам ўрганилгани ҳақида маълумотлар келтиради.

Юқоридаги фикрларга таяниб айтиш мумкинки, мадрасалар IX-X асрларда Моваро уннаҳрда пайдо бўлиб, XIII асрнинг охирига катта суръат билан Шарқдан Ғарбга қараб ёйила бошлаган. Бугунги Эрондан Месопотамияга, у ердан эса Онадўлуга, Миср ва Марокаш орқали Андалусия — ҳозирги Португалия ва Испания ҳудудларигача тарқалган.

Ўрта асрларда ислом Ренессанси вужудга келишида мадрасалар муҳим роль ўйнаган. Бу билим даргоҳларининг Кошғардан Андалусиягача тарқалишига Қуръон ва ҳадисларда илм олишнинг ташвиқ этилиши, адолат ва ҳуқуққа кўп аҳамият берилгани, Аллоҳ тарафидан билимли инсонлар эъзозланиши каби омиллар сабаб бўлган.

Мадрасалар Ал-Форобий (XI аср), Ибн Сино (XI аср), Умар Хайём (XII аср), Ибн Халдун (XIV аср) каби буюк алломаларни етиштирган муқаддас даргоҳга айланиб борди. Уларда таълим олишнинг муҳим усулларидан бири мунозара эди. Бу баҳслар туфайли зеҳнлар чархланар, ҳар қандай тушунча ва тушуниш тарзи ўртага қўйиларди. Шеърият ва адабиёт мадрасалардаги таълимда муҳим аҳамиятга эга эди.

Ўша давр мусулмон жамиятида ҳаётнинг маънавий ва моддий жиҳатлари идеал шаклда уйғунлашганди. Таълим муассасаларида жамиятнинг барча қатламлари, мусулмонлар ҳамда бошқа дин вакиллари учун ўқиш текин ва очиқ бўлган.

Ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар мадрасаларда ўқитиларди. Толиби илмлар табиий фанлар воситасида она табиат билан дўст ва ҳамдам эди, астрономия уларда мангулик туйғусини, илм ва фалсафа фикр ва тушунчалар эркинлигини, шеърият ва адабиёт эстетик дидни шакллантирарди, адолат ва ҳуқуқ орқали ижтимоий ва шахсий ҳаёт тартибга солинарди. Бундай босқичлардан ўтган талабалар руҳан ва маънан ғоят соғлом бўлардилар.

Мадрасалар дин ва илм-фан туташган маконлар вазифасини ўтарди. Ҳозирги тилда айтганда, улар ўз замонасининг университетлари эди.

Буюк соҳибқирон Амир Темур ва 130 йил ҳукм сурган темурийлар сулоласи илм-фан ривожига жуда катта эътибор қаратганди. "Темур тузуклари"да бундай жумлаларни ўқиймиз: "Ноибларимга ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни буюрдим. ...Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари, ислом дини илмлари, тафсир, ҳадис, фиқҳдан дарс берсинлар, деб ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим".

Қадами етган ҳар бир минтақа ва ўлкадан олимлар, тарихчилар, моҳир ҳунармандларни саройига даъват этиб, ўз ҳимоясига олган Темур қисқа муддат ичида мамлакатини илм-фан ва фалсафа ривожланган ўлкага айлантирди. Натижада Темурийлар салтанатининг икки муҳим шаҳри — Самарқанд ва Ҳиротда бир-биридан фарқли илм-фан, маданият ва санъат марказлари шакилланди. Бу фарқ ўша даврдаги давлат арбоблари дунёқараши, эътибор берган фан соҳалари, ҳаёт тарзларига яқин алоқадордир.

Ҳирот шаҳрида Шоҳруҳ Мирзо ва Бойсунғур Мирзоларнинг қўллаши туфайли диний билимлар, адабиёт ва санъатга боғлиқ илм-фанлар, Самарқандда эса Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даврида табиий ва фалсафий фанлар гуркираб ривожланди.

Самарқанд, айниқса, Улуғбек даврида табиий фанлар, астрономия ва математика соҳасида энг юксак нуқтага кўтарилди. Улуғбекнинг ўзи бу соҳаларда яхши таълим ва тайёргарликка эгалиги, болалик йиллариданоқ Мароға расадхонасини зиёрат этгани, олимларнинг мажлисларида уларнинг тортишувларига гувоҳлик қилиши ва уларга буюк ҳурмат-эътибор кўрсатиши қисқа муддатда Самарқанднинг ўрта асрларнинг энг муҳим илм-фан марказига айланишига олиб келган эди.

Мана шу муҳит туфайли Самарқандда бизнинг давримизгача етиб келган, ўрта асрлардаги исломий маданиятнинг буюк обидалари бўлмиш Улуғбек мадрасаси ва Самарқанд расадхонаси барпо этилди. Улуғбек замонида Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда уч йирик мадраса қурилди ва улар маданият, илм-фан, санъатнинг ривожини таъминлаб берадиган олим ва санъаткорларни етиштириб беришда катта роль ўйнади. Улуғбек, Қозизода Румий, Жамшид ал-Коший ва Али Қушчи каби йирик олимларнинг раҳнамолигида бу мадрасалар маданият, илм-фан, санъат ва адабиётнинг бешигига айланган эди.

Улуғбек ва унинг даври дунё илм-фани тарихида ўзгача из қолдирган. Бу хусусда француз файласуфи Франсуа-Мари Аруэ де Вольтер (1694–1778) сўзларини эслаш кифоя: "Улуғбек Самарқандда биринчи илм-фан марказига асос солди, у ўзи бошчилик қилган астрономик академияга ер куррасини ўлчашни буюрди ва фалакиётшунослик жадвалларини тузишда ўзи бевосита иштирок этди".

Афсуски, кейинги асрларда мадрасаларда таълим сифати тушиб кетди, асосий эътибор диний илмларга қаратила бошланди. Альберт Эйнштейн айтганидек, "динсиз илм чўлоқ, илмсиз дин кўрдир". Мадрасаларда айнан динсиз илм ёки илмсиз дин ўртага чикди. Бунинг оқибатида ислом олами алал-оқибат Ғарб дунёси билан цивилизацион мусобақада ютқазди ва илмий-технологик жиҳатдан орқада қолди...

Шўро тузумининг босимлари туфайли 1920 йилда Самарқандда ўз фаолиятини тўхтатган энг сўнгги илм даргоҳлари Мирзо Улуғбек ва Шердор мадрасалари бўлди. Орадан 7 йил ўтгач, 1927 йилда ҳозирги Самарқанд давлат университети ташкил этилди. Бу олий ўқув юрти 1929–1930-йилларда педакадемияга айлантирилди. Шундан буён университет 90 йил давомида шонли йўлни босиб ўтди. Шу йиллар давомида халқимизнинг интеллектуал салоҳиятини белгилайдиган маърифат ўчоғи, мамлакатимизнинг кадрларга бўлган талабини қондириб келган таълим муассасаси сифатида фаолият юритди.

IX-XV асрларда дунё аҳли Фарғонийлар, Хоразмийлар, Беруний лар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Али Қушчилар, Қозизода Румийларнинг илмий кашфиётларидан баҳраманд бўлди. Ҳозирги Ғарб фан-техникаси ўша буюк аждодларимиз қилган кашфиётлар ёрдамида шаклланган туфайли уларнинг мероси чуқур ўрганилиб, ардоқланмоқда.

Бу буюк олимлар юртимиз мадрасаларининг илмий-таълимий маҳсули эди ва мазкур илм даргоҳлари давомчилари бугунги университетларимиздир. XXI асрда ана шу барҳаёт анъаналар изидан бориб, юртимизни илмий-техник тараққиёт чўққисига олиб чиқишимиз лозим, бу йўлда олимларимизга СамДУ тарихини Мирзо Улуғбек мадрасаси ташкил этилиши билан боғлаш каби мантиқли ва ўринли қадам катта руҳий кўтаринкилик бағишлаши, уларни янги илмий кашфиётларга ундаши табиий.

Бундай қарор юртимизнинг қадимий маданияти ва илм-фанининг янги қирраларини яна бир карра дунёга танитиш, буюк мутафаккир боболаримиз ва дунёвий шуҳратга эга мадрасаларимиз меросини тарғиб этишга хизмат қилган бўларди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади".

МИЛЛИЙ РАҚС

"БАҲОР" ЮРТГА ҚАЙТДИ ЯНА

Мамлакатни дунёга танитишда спорт ва санъатнинг роли катта. Бир пайтлар ўзбек санъатини "Баҳор" давлат рақс ансамбли жаҳонга танитган эди. Лекин ўтиш даврининг қийинчиликлари туфайли шундай машҳур жамоа йўқ бўлиб кетди. Бу нафақат рақс санъати мухлисларини, балки бутун халқимизни ўйлантираётган, ташвишга солаётган эди.

Устозимиз Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева санъатга бўлган меҳрни юрак-юрагимизга жойлаган эди.

Жорий йилнинг 4 февраль куни Президентимизнинг "Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, Маданият вазирлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида "Мукаррама Турғунбоева номидаги "Баҳор" давлат рақс ансамбли" фаолияти ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари белгиланди. Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева билан афсонавий "Баҳор" ансамблининг ўтмиши, миллий рақс санъати ривожидаги муаммолар ва истиқболдаги режалар ҳақида суҳбатлашдик.

— Маъмура опа, сизнинг ҳаётингиз мазмуни, орзу-истакларингиз рўёби "Баҳор" ансамбли фаолияти билан боғлиқ. Келинг, суҳбатимизни шу даргоҳда кечган ширин хотиралардан бошласак...

— Аввало, Президентимизнинг мазкур қароридан санъатни қадрлайдиган ҳар бир инсон, рақс санъати фидойилари, мухлислари ғоят миннатдор бўлди. Биласизми, биз бу қарорни узоқ йиллардан бери ҳар куни, ҳар соатда кутгандик. Ҳеч қачон ноумид бўлмадик. Айниқса, хориж сафарларига борганимизда ўзбек миллий рақсини қадрлайдиган инсонлар, қачон "Баҳор" ансамбли қайта тикланади, дея ҳоли жонимизга қўйишмас эди.

Тўғри таъкидладингиз, "Баҳор" ансамбли ҳамиша менинг ҳаётим мазмуни, умидим, келажагим бўлган. Ҳатто ансамбль фаолиятини тўхтатгандан сўнг ҳам ўзимни доимо унинг бағрида, деб билдим. Чунки устозимиз Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева санъатга бўлган меҳрни юрак-юрагимизга жойлаган эди. Қолаверса, "Баҳор" ансамбли ҳақида гап кетганида кўз ўнгимга Мукаррама Турғунбоева келади. Опа юртимиздаги энг яхши ҳофизлар, балетмейстерлар ва бастакорларни ўз атрофига жамлай олгани туфайли ансамблнинг обрўси жуда баланд эди. Шунингдек, устозимиз миллий анъаналаримизни ниҳоятда қадрларди. Бирон-бир қўшиққа рақс саҳналаштиришдан олдин бизга ўша қўшиқ тарихи, унинг яралиши ҳақида маълумотлар топиб руҳлантирар, рақс аввало кўнгилда акс этиши керак, дея таъкидларди.

Бир пайтлар "Ўзбекконцерт" деган ташкилот бўларди. Маъмуржон Узоқов, Исахор Оқилов, Ботир Зокировлар фаолият юритган ушбу ташкилот ижодий жамоаси билан бирга Мукаррама Турғунбоева ўзи саҳналаштирган "Пахта" ва "Пилла" рақслари билан Москвада ўтказилган 6-жаҳон фестивалида қатнашади. Ижодий жамоа бу фестивалда олтин медални қўлга киритгач, устозимизга миллий рақс ансамблини тузишни маслаҳат беришади. Шундай қилиб, 1957 йилнинг октябрь ойида Зулайҳо Раҳматуллаева, Валя Романова, Аъло Раҳимжонова, Ира Расулхўжаева, Дилбар Абдуллаева каби маҳоратли 12 нафар раққосалардан иборат ансамбль ўз фаолиятини бошлайди.

Шунда ансамблни қандай номлаш ҳақида баҳс бошланади. Опа "Ўзбекконцерт"да ишлаётган шоир Камтар Отабоевдан ансамблга муносиб ном топиб беришини илтимос қилади. Эртаси куни у келиб, "Ансамблнинг номи "Баҳор" бўлади!" деганида ҳамма хурсанд бўлиб қарсак чалиб юборади. Шундан сўнг Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммаджон Мирзаев "Баҳор" вальсини басталашга киришиб кетади. Бирин-кетин 15 та дастур яратилади. Ўша кундан буён ансамбль қаерга сафарга борса, ҳамиша дастур аввалида "Баҳор" вальси, охирида эса "Пахта" рақси ижро этилган.

1960 йили "Баҳор" ансамбли давлат рақс ансамблига айлантирилди, 1967 йилда ансамбль Ёшлар мукофотига, орадан бир йил ўтиб эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ансамбль унвонига эга бўлди. Бу ютуқларнинг барчаси устозимизнинг санъатга бўлган фидойилиги, миллий ўзлигимизни тиклаш учун олиб борган тинимсиз ижодий изланишлари туфайли қўлга киритилди.

Ансамбль Ливия, Марокаш, Жазоир, Тунис, Ҳиндистон, Сингапур, Малайзия, Покистон, Афғонистон, Жанубий Корея, Япония каби мамлакатларда гастролда бўлган. У турли халқаро фестиваллар иштирокчиси ва совриндорига айланди.

— Мукаррама Турғунбоева ижросидаги миллий рақсларимизни томоша қилганимизда у яратган миллий образлардаги жозиба кўнглимизга ўзгача завқ бағишлайди. Бугунги раққосаларимиз ижросида ўша жозиба кўзга ташланмай қўйди...

— Қарорда халқимиз, хусусан, ёш авлодни миллий рақс санъати ҳақидаги назарий ва амалий билимлар билан кенг таништириш орқали уларнинг қалби ва онгида миллий ўзликни англаш, аждодлар меросига ҳурмат туйғусини, юксак бадиий-эстетик дид ва тафаккурни камол топтириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу мени жуда қувонтирди. Устозимиз, оёғингиз ердан узилмасин, камтар ва меҳнаткаш бўлинглар, дерди. Айниқса, иболи, андишали қизларни ниҳоятда қадрларди. Ҳозирги ёшлар бизга қараб туриб айнан ўша ҳаракатларимизни қайтариши мумкин, лекин унинг кўнглида ўзи бажараётган ишга муҳаббат бўлмаса, мақомни, мумтоз қўшиқларимизни ҳис қилмаса, ҳеч қачон ўзбек халқига муносиб раққоса бўлолмайди. Ички дунёси бой инсоннинг ҳаракатлари ҳам ўзгача бўлади.

Мукаррама опа бизнинг тўйга чиқишимизни қатъий тақиқлаган. Ҳозир эса раққосалар тўйга бормаса санъаткор ҳисобланмас экан. Тўғри, моддий етишмовчилик инсонни йўлдан адаштириши мумкин. Лекин маънавий имммунитети кучли инсон ҳаёт синовларини енгишга ўзида куч топа олади. Енгил-елпи йўллардан ҳазар қилади. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтай, "Баҳор" ансамбли қизларини пул қизиқтирмас эди. Биз ансамблдан ўзгача руҳий қувват олганимиз учун, опанинг бир оғиз эътирофи, табассуми учун тинимсиз ишлардик.

— Эшитишимизга қараганда, "Баҳор" ансамблининг бисотини ҳалигача асраб келаётган экансиз...

— Тўғри, 2002 йилда бизни "Баҳор" концерт залидан чиқариб юборишди. Мен ансамблнинг барча аксессуарларини битта қолдирмай олиб чиқиб кетганман. Айниқса, опанинг "Муножот" рақси учун тайёрлаган либослари мен учун жуда қадрли. Энди бу рақсни сен ижро этасан, либосларимни ҳам сенга бераман, деганларида қувонганимдан йиғлаб юборганман. "Муножот» рақсини мен 6 ой давомида ўрганганман. Ҳозирги кунда 1-2 кунда тайёрланиб, саҳнага қўйилаётган рақсларни кўрсам, ўша пайтлардаги машаққатларимизда гап кўп эканлигини англайман.

— Янги "Баҳор" ансамблига муносиб раққосалар борми?

— Раққоса Рушана Султонова билан доира рақсини саҳналаштирганмиз. Унинг қалбидаги санъатга, мумтоз адабиётимизга бўлган кучли муҳаббатини жуда қадрлайман. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулнора Низомованинг рақсларини ҳам мароқ билан томоша қиламан.

Ёш раққоса Ирода Исмоилова билан "Товус" рақсини саҳналаштирганимизда ундаги изланувчанлик ва миллий оҳангларимизга бўлган ошуфталикни кўриб ҳайратланганман. Бу қиз бадиий китобларни кўп ўқийди, мумтоз қўшиқларимизни тинглашни яхши кўради. Шунинг учун унинг руҳиятидаги ёруғлик нафис ҳаракатларида акс этади.

Истеъдодли раққосалар Малика ва Муҳаббат Қурбоноваларни Мукаррама Турғунбоева номидаги кўрик-танловга тайёргарлик жараёнида таниган эдим. Уларнинг иккиси бир рубобнинг икки торига ўхшайди. Бири биридан тиришқоқ ва билимдон қизлар. Куни кеча шогирдларим билан Президентимиз қарорига кўра амалга оширилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашдик. Миллий санъатимиз ривожига катта эътибор қаратилаётган айни дамларда ҳар биримиз ўз таклифларимиз, меҳнатимиз ва янги лойиҳаларимиз билан иштирок этишимиз зарур. Зеро, устозларимиз қолдирган бебаҳо меросни келажак авлодга етказишимиз биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА суҳбатлашди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

«Янги Ўзбекистон» газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 944.
43018 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎзА якуни — 23:30 Топширилди — 00:50 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Коржовов
Навбатчи: Гулчирой Исоқова
Мусаҳҳиҳ: Ойдин Аляутдинова

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона (0-371) 233-70-98 Котибият (0-371) 233-56-60 Эълонлар (0-371) 233-57-15